УзССР Давлат китоб палатаси
Рус. книжная палата УзССР
4 0696

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 8 июнь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 41 (6738)

Даъват

ИЛМ КЎПГА ЕТКАЗАР, ҲУНАР ЭСА КЎККА.

Ўзбек халқ мақоли

Ибрат

Бахмал тумани А. Усанов номидаги ширкатлар уюшмаси раиси Акром Раҳмонқулов уюшма ҳудудидаги 12 та мактабга беш гектардан суғориладиган ер ажратиб берди ва техника ишларида ҳам ёрдам бермоқда. Олинган даромад ҳар бир мактаб ҳисобида қоладиган бўлди.

Халқ таълими ва ҳокимият

УЛКАН ИШЛАР ДЕБОЧАСИ

Келажагимиз ворислари бўлган ёш авлод таълим-тарбияси шу куннинг энг долзарб вазифаларидандир. Шу боис ҳокимлигимиз мактабга, ўғил-қизларга сабоқ бераётган муаллимлар ижтимоий ҳимоясига эътиборни қаратиб келаётир. Аввало бу масалани жиддий урганиб, 17 та ўрта мактаб, 1 та мактаб лицей ва ҳунар лицейига жамоа ширкат хўжаликларидан ўқув-тажриба ерлари ажратилди. Бунда хўжалик имконияти ва мактаб жамоаси эҳтиёжи ҳисобга олинди. Илм даргоҳининг ҳар бирига 10 гектардан 30 гектаргача ер ажратилди. Ҳунар лицейи эса ишчи кучи кам бўлган «Янгиобод» жамоа ширкат хўжалигидан 90 гектар ер олиб, деҳқончилик қилмоқда.

Илм даргоҳлари ихтиёрига берилган ерларда асосан ғалла ва пахта, шунингдек бошқа деҳқончилик экинлари етиштирилаяпти. Деҳқончиликдан келган даромад ўқув-тарбия ишларини яхшилашга сарфланади. Етиштирилган ғалланинг бир қисми ўқитувчиларга тақсимланади. Бошқа деҳқончилик экинлари етиштиришдан келадиган маблағдан ҳам улар манфаатдор бўлишади, албатта. Бу ижтимоий муҳофазанинг ўзига хос бир йўлидир.

Тумандаги хўжаликлар, айрим идора ва ташкилотлар ҳам ўқитувчилар ва ўқувчилар ижтимоий ҳимояси билан қизиқиб туришади. Бу борада «Жайнов», «Миришкор», Ғ. Ғулом номли жамоа хўжаликлари маъмуриятларининг саховатпешалик ёрдамларини намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Жамоа хўжаликлари ўз ҳудудларида жойлашган мактаб ўқитувчиларини мунтазам равишда, имкони борича ўсимлик мойи, дон ва чорва ем-хашаги билан таъминлаб келишяпти. Бундай ибратли ишлари, мактабларга намунали оталиқ ёрдами учун «Жайнов» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Муродулло Саидовга Республика Халқ таълими вазирлиги таъсис этган «Халқ таълими ҳомийси» унвони берилди. Айни пайтда бошқа оталиқ ташкилотлари ҳам у кишига эргашмоқда.

Таълим-тарбия ривожига самарали туртки берадиган тадбирларни амалга оширишда ХДП туман кенгаши раҳбарлари ҳам жонкуярликларини кўрсатишяпти. Улар тарихий саналар муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда фаол қатнашиш билан бирга мустақил равишда бир қатор тадбирлар белгилашяпти. Жумладан ХДП туман кенгаши Амир Темур йилида стипендия таъсис этди. Соҳибқирон номи билан аталадиган бу стипендия миқдори 100 сўм бўлиб, у ҳар қайси мактабнинг бир нафар ўқувчисига берилади. Шунингдек, ҳар мактабдан бир нафар кам таъминланган оила аъзоси бўлган ўқувчига ҳар ойда 25 сўм миқдорида ёрдам пули бериб бориляпти. Шунингдек, бу ижтимоий ташкилот туманда яхши натижага эришаётган муаллимларни рағбатлантириб боришни ҳам одатга айлантирган.

Тумандаги мактабларнинг аксарияти табиий газ билан таъминланди. Улар биносининг 82 фоизи замонавий. Қолган учтаси: Ойбек номли, Йулдош Қурбонов номли, Шодмон Шомирзаев номли мактаблар учун янги бинолар қурилиши

(Давоми 2-бетда).

Соғлом авлод учун

СЕРҲАРАКАТ ЖАЖЖИЛАР

Лўқмони ҳаким айтадики, барча лаззатни тотиб кўрдим, аммо саломатликдан афзалроқ лаззатни тотмадим. Яна закийлар дейишадики, соғлигинг туман бойлигинг, уни ёшлигингдан асра.

Юрт келажаги — болаларники, соғлом болаларники. «Соғлом авлод учун» ҳаракатининг боиси ҳам асли шу. Юнусобод туманидаги 519-боғчада туман болалар боғчалари ўртасида бўлиб ўтган спартакиада ҳам худди уша ҳаракатнинг кичик бир омилларидан бўлди. Унда жажжи болалар ўз ҳаққонлиги, серҳаракатлигию серуқувлигини намойиш этишди. Тумандаги 74-боғча тарбияланувчилари ўз тенгдошларининг барчасидан устун келиб, биринчиликни қўлга киритишди.



Суратларда: жажжи қалбларнинг ғалабага чанқоқлиги зуҳур этиб турган он ва халқ таълими бўлими мудири Мақсуда Одилова ғолибларни тақдирлаётган дақиқалар акс эттирилган.

Суратчи Р. ГАЛИЕВ.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊛ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Президент Ион Илиеску таклифига биноан расмий ташриф билан Руминияда бўлди. Унда Ўзбекистон — Руминия дўстлиги ва ҳамкорлигига ҳуқуқий асос соладиган, халқларимиз манфаатига хизмат қиладиган ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, икки мамлакат расмий делегациялари музокаралари ҳам самарали бўлди.

⊛ Юртимизда меҳмон бўлиб турган Америка юристлар ассоциациясининг вакиллари қатор вазирлик ва идораларда бўлиб, тажриба алмашдилар. Меҳмонлар иштирокида ўтказилган Олий Мажлиснинг қонунчилик ишлари мавзусидаги амалий семинар ана шу дўстона баҳс-мунозараларнинг мантиқий давоми бўлди.

⊛ Тошкентдаги «Динамо» теннис мажмуида юртимизда биринчи марта ўтказиладиган аёллар ўртасидаги челенжер турнири олдидан матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

⊛ Фуқароларнинг меҳнатдаги хизматлари, самарали давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари учун рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

⊛ Панама ҳукумати диктатор Мануэл Нориега ҳукмронлик қилган даврда хизматда бўлган 1000 дан ошиқ мансабдор шахсларни афв этиш тўғрисидаги мурожаатни рад этди.

⊛ Ҳиндистоннинг Кашмир вилояти тоғларида мусулмон кучлари томонидан гаровга олинган 4 кишини излаш мақсадида 500 полициячи ва итлардан иборат куч ташланди.

⊛ АҚШ Президенти Билл Клинтон студентларнинг илк ўқиш даврида моддий қўллаб-қувватлаш фикрини илгари сурди. Бу кредит 1500 долларни ташкил этади. Лекин унинг манбаи ҳали аниқ эмас.

Абитуриент—96

«АХБОРОТНОМА»НИНГ ЯНГИ СОНИ

Давлат тест маркази томонидан чоп этилаётган «Ахборотнома»нинг тўрт сони чоп этилиб, истеъмолга чиқарилгани ҳақида хабар бергандик. Мана, унинг яна бир — 6-сони қўлимизда. Унда математика, биология, география, ўзбек тили (иккинчи тил), инглиз тили, немис тили, француз тили фанларидан тест топшириқлари берилган.

Ўқувчилар оромгоҳларида

ТАЪТИЛ ҚАНДАЙ ЎТАДИ?

Ҳозир республикамизнинг турли жойларида юзлаб ўқувчилар оромгоҳлари очилиб, ўғил-қизларни ўз қучоғига оляпти. Бу — ёзги таътил мавсумининг бошланганидан нишонадир.

Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида ҳам бу йил 225 15 нафар ўқувчининг оммавий равишда дам олиши режалаштирилган. Туман халқ таълими бўлими мудири Абдуфаттоқ Маҳмудовнинг маълумот беришича, шундай 1500 бола мактаблар қошидаги оромгоҳларда, 1990 бола меҳнат-роҳат оромгоҳларида ҳордиқ чиқаради, 2300 бола тўгаракларда шуғулланади. Ўғил-қизларнинг ёзги таътилини оммавий ва уюшқоқликда ташкил этиш учун туман халқ таълими бўлими томонидан тегишли ҳужжатлар, услубий тавсияномалар ишлаб чиқилган. Кадрлар ҳам аллақачон танлаб олинган.

Режа бўйича 15 та мактаб

(Давоми 4-бетда).

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

АККРЕДИТАЦИЯ ТАШВИШИ

Россияда университетлар аккредитацияга тайёрланмоқда. Кутилаётган янги талаблар педагогларни ташвишга қўймоқда.

УНИВЕРСИТЕТДА ХАЛҚ РАҚСЛАРИ

Мексика Гуадалансара университетида халқ-балет труппаси томошаларда миллий урф-одатларни тарғиб этмоқда.

ТЕЛЕФОН ТАЪҚИҚЛАНДИ

Буюк Британия Кэмбриж университети маъмурияти кутубхоналарда мўъжаз чўнтак телефонларидан фойдаланишни таъқиқлади.

РЕКЛАМА ИШҚИБОЗИ

Буюк Британия Колумбия университетининг маркетинг буйича профессори Ричард Полли жуда кўп эълонлар тўплаб, суд жараёнида тамаки саноатига қарши курашга беқиёс ҳисса қўшди.

КОМПЬЮТЕРГА ЁРДАМ КЕРАК

Мэдинсондаги Висконсин университети ўз компьютер системасини вируслар ҳамда «қароқчилардан» ҳимоя қилиш учун ҳафталик янги иш ўрнини ташкил этди.

ЎЙИН ЖИЛОВЛАНДИ

Калифорниядаги компаниялардан бири университет шаҳарчасидаги жиловини тутқизмайдиган компьютер ўйинларини тўхтатиб қўя оладиган программани ишлаб чиқарди.

ЖУРНАЛИСТИКА — ЮНЕСКО ЭЪТИБОРИДА

ТошДУнинг халқаро журналистика бўлими талабалари учун бу йил бир қанча таассуротлар ва хорижий давлатлар вакиллари билан учрашувларга бой йил бўлди.

Яқинда ЮНЕСКОнинг Қозоғистон ва Урта Осиё ҳудудидаги алоқалар бўйича маслаҳатчиси жаноб Мартин Хэдлоу ҳам ушбу бўлимнинг бир гуруҳ талабалари ҳамда ўқитувчилари билан учрашди. Учрашув давомида жаноб Хэдлоу ЮНЕСКО ташкилотининг журналистика соҳасида олиб бораётган ишларини, Қозоғистон ва Урта Осиё ҳудудидаги барча университетларнинг журналистика факультетларига курсатилаётган алоҳида эътиборни таъкидлаб утди. Шу жумладан, ТошДУнинг журналистика факультетини ўқув-техника жиҳозлари билан таъминлашда ва талабларни хорижий давлатларга ўқишга юборишда ёрдам беражагини айтди.

Муҳаббат ШАРИПОВА,
ТошДУ журналистика факультети халқаро журналистика бўлими III курс талабаси.

«ИҚТИСОД САБОҚЛАРИ»ГА МАРҲАБО!

Мустақил Ўзбекистон бугунги кунда дунёдаги хўжалик муносабатининг субъекти сифатида кенг танилиб бораётир. Мамлакатимизда бозор иқтисоди ўзига хос ва ўзига мос йўл билан босқичма-босқич шаклланмоқда. Шу боис ҳозирги даврда халқимизнинг иқтисодий маданиятини кўтариш, шу жумладан, ўсиб келаётган ёш авлоднинг иқтисодий саводхонлик даражасини ошириш алоҳида аҳамият касб этаётир. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идораларо Кенгашининг 1996 йил 16 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида иқтисодий таълимни ташкил этишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарори ҳам ана шу мақсадларни кўзда тутган. Қарор бевосита халқ таълими тизимига тааллуқли бўлиб, унда қўйилган вазифаларни бажариш соҳа ходимларининг, ҳар бир педагогик жамоанинг шарафли вазифасидир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўғил-қизларни ўқитиш ва тарбиялашда иқтисодий таълим беришни кучайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқди. Вазирликнинг шу йил 29 апрелдаги буйруғи бўйича барча умумтаълим мактабларининг 1 — 11-синфларида махсус дастурлар ва дарсликлар асосида ўқув режасига «Иқтисодий таълим асослари» фани киритилди. Ўқувчиларга иқтисодий билим бериш бошланғич синфларда «Иқтисод алифбоси» тарзида математика, она тили ва ўқиш орқали амалга оширилса, таянч босқич синфларда «Иқтисод сабоқлари» («Иқтисодга кириш») тарзида она тили, хорижий тиллар, математика, география ва меҳнат фанлари таркибидаги алоҳида боб ва мавзулар орқали сабоқ берилади. 9, 10, 11-синфларда «Иқтисодий билим асослари» фани сифатида ҳафтасига бир соатдан ўқитилади. Бу 1996 — 1997 ўқув йили режасида ҳам ўз ифодасини топди. (Қаранг, «Маърифат», 1996 йил 1 июнь сони).

Газетамиз таҳририяти республика Таълим илмий-методика марказининг иқтисодий таълим бўйича илмий лабораторияси мутахассислари билан биргаликда «Иқтисодий таълим-тарбия берувчиларга ёрдам» дастурини тузди. Дастурга кўра бозор иқтисоди масалалари билан боғлиқ мавзулар бўйича шу соҳанинг назариётчи ва амалиётчиларининг — профессорлар, доцентлар, мутахассисларнинг мақолалари бериб борилади. Ўйлаймизки, бу мақолалар мактаб ўқитувчиларига манба сифатида бир қадар кенг маълумотлар бера олади.

Бугун биз «Иқтисод сабоқлари» рукни остида ёритаётган илк мақолада эса бозор иқтисодига ўтишнинг ҳаётий зарурати тўғрисида фикр юритилади.

Мақолани иқтисод фанлари номзоди, доцент Ёркин Учқунович Муҳибов тайёрлаган.
(Мақолани газетамизнинг 3-бетида ўқийсиз).

МУҲИМ МАСАЛА

Ҳар бир тараққий этган мамлакатда расмий ҳужжатлар, иш юритиш қоғозларининг аҳамияти беқиёс. Халқ таълими тизимида ҳам улар маълум бир илм маскани фаолиятини, қоларверса раҳбарнинг, ўқитувчининг, ўқувчининг меҳнатини холис баҳолашда бир кўзгу вазифасини ўтайди. «Республика Халқ таълими вазирлиги Ўрта умумтаълим мактаблар Бош бошқармаси қатъий назоратида турадиган мактаблар ҳужжатларини сақлаш, ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатномалар, таянч таълим бўйича гувоҳномаларни олиш, расмийлаштириш, тарқатиш қоидалари» мавзусида бўлиб ўтган семинар-кенгаш айнан шу борада қилинадиган ишлар мундарижасини белгилаб берди.

Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, ўтган йили шаҳодатномаларни тўлдириш, тарқатиш билан боғлиқ бўлган бир талай камчиликлар, ноқонуний хатти-ҳаракатлар тўғрисида тўхталди. Шунингдек, ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда бу каби гувоҳномаларни юксак сифатда чиқариш лозимлигини таъкидлади.

Кенгаш қарори билан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, гайриқонуний йўл билан шаҳодатномаларнинг ўзга қўлларга тушиб қолиши олдини олиш каби қатор вазифалар вазирликнинг тегишли бошқармаларига, Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармалари зиммасига юклатилди.

ММММ — ХАБАРЛАРИ

ЮЛДУЗ, БАРИБИР ЮЛДУЗ-ДА!

Яқинда Буз туман маданият саройида туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги 24 та боғчадан келган вакиллар «Йил тарбиячиси — 96» танловида узаро беллашдилар. Унда ҳар бир қатнашчининг назарий ва амалий билим савияси, жажжилар ва уларнинг ота-оналари билан буладиган муомаласи, зийраклик ҳамда тиришқоқлиги, болаликнинг сеҳрли оламида тутган ўрни яхшилаб «элак»дан ўтказилди.

Танлов якунига кўра эса, «Кичкинтой» болалар боғчасининг тарбиячиси Юлдузхон Азимова ягона ғолиб деб тан олинди ва туманнинг энг яхши тарбиячиси деган фахрли номга сазовор бўлди.

ТЎГАРАКНИНГ ТАНТИ ТАДБИРЛАРИ

Шаҳрисабз туманидаги 28-ҳунар билим юртида жорий ўқув йилидан бошлаб «Ноз-неъмат» деб номланган тўгарак фаолият кўрсатмоқда. Тўгаракнинг 30 га яқин аъзолари тажрибали муаллима Комила Эгамова раҳбарлигида табиат инъомларидан ноз-неъматлар тайёрлаш, мавжуд мева-чева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини уй шароитида қайта ишлашни астойдил ўзлаштиришмоқда.

Дарвоқе, айни пайтда ўқувчилар ўз қўллари билан тайёрлаган олма, ўрик, гилос, олҳўри шарбатлари, тузланган бодринг ва помидорларни Шаҳрисабз бозорига чиқариб, сотишга ҳам улгуришди.

СУВДЕК СЕРОБ САВОБЛАР

Қизилтепа туманидаги «Руслан» ишлаб чиқариш ва савдо фирмаси раҳбари Муродулла Малалиев 1996 йилнинг ўтган даври мобайнида 30 минг сўмликдан зиёд маблағни хайрия тадбирлари учун сарфлади. Айни кунда «Тавовис» давлат хўжалиги ҳудудидан институтларга бориб ўқиётган 5 нафар аълочи талаба фирманинг стипендияси билан таъминланмоқда.

Дарвоқе, Муродулла ака сабабми, ишқилиб, яқиндан бери туманда савобталаб фирмалар кўпайиб қолди.

ОЛТИАРИҚЛИК ОЛИМНИНГ «ОЛТИН»ЛАРИ

Олимжон Раҳимов аслида биолог ҳам, тупроқшунос ёхуд ўсимликшунос ҳам эмас. У — тарихчи олим, талабчан муаллим. 25 йилдан бери Фарғона давлат университетида дарс беради, олти фарзанднинг отаси. Оиланинг 12 сотих ери бор. Унинг тенг ярмида Олимжон ака фарзандлари билан биргаликда гулзор ташкил қилган. Бу ерда гулларнинг 15 дан ортиқ турини учратиш мумкин. Лекин тиниб-тинчимаган олим бу билан ҳам чекланиб қолмай, ўтган йили «Узагротрест» бирлашмасидан 12 гектар ерни ижарага олиб, боғ барпо қилишга киришди. Ҳозир боғлаги ўрик, олма, беҳи, олча ва шунга ўхшаш турли навдаги дарахтлар мевага кириб, эл-юрт дастурхонига баҳоли қудрат тўкин-сочинлик бахш этмоқда.

КЎНГИЛНИ ТОҒДЕК КЎТАРИНГ!

Жажжигина болажонларнинг ширин табассуми, шўх қийқириқлари кимнинг юрагига бир олам шодлик, меҳр туйғусини олиб кирмайди, дейсиз! Инсон ахир айнан ўзининг ана шу болапарварлиги туфайли ҳам инсон-да!

Яқинда Жиззах вилояти меҳрибонлик уйида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб уюштирилган «Қувноқ кеча» тадбири ҳам ана шундай инсонийлик белгисининг бир кўриниши бўлди. Кечада баҳоли қудрат болаларни ҳурсанд қиладиган ҳар хил ўйинлар, қўшиқ-рақслар, тортишув, мунозаралар ташкил этишга ҳаракат қилинди, ширинликлар тортилди.

Бу ҳам кичкинтойларимизнинг мурғак кўнгилларини тоғдек кўтарган бўлса, ажаб эмас.

МУАЛЛИФЛАР: Х. Рустамов, А. Обиддинов, Б. Эгамов, Т. Умаров, М. Каримова.

Халқ таълими ва ҳокимият

УЛКАН ИШЛАР ДЕБОЧАСИ

(Боши 1-бетда).

бошланган. Шунингдек, барча мактабгача тарбия муассасалари — 13 та болалар боғчаси замонавий биноларда жойлашган.

Таълим-тарбиядаги ислоҳот нафақат ижтимоий масалаларда, балки ўқиш-ўқитиш жабҳасида ҳам яққол намоён бўлаётир. Бу, албатта, мустақиллигимиз туфайлидир. Жорий ўқув йили бошида Жайнов қишлоғида мактаб-лицей интернати очилди. Бу ерда қобилиятли ўқувчиларга физика, химия, математика ва биология фанлари чуқурлаштириб ўргатилаяпти. Мактаб-лицейда қулай шарт-шароитлар муҳайё, фан хоналари, устахоналар ўқув-кўргазмали воситалар билан жиҳозланган, техник воситалар етарли. Айни пайтда бу билим масканида меҳнаткашларнинг 60 нафар ўғил-қизи олий тоифали муаллимлардан сабоқ олишяпти.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 июлдаги қарорига биноан Янгимиришкор қўрғонидаги ҳунар билим юрти ҳам лицейга айлантирилди. Аввало, бу ерда болаларга ўргатиладиган ихтисослар қайта кўриб чиқилди. Янгидан бир нечта гуруҳлар очишга қарор қилинди. Бозор иқтисоди талабидан келиб чиқиб ташкил қилинган менежер, кичик бизнес ҳисобчиси, ЭҲМ оператори, фермер-механизатор гуруҳларида ҳозир юздан ортиқ талаба таҳсил олмоқда. Тадбиркорлик гуруҳлари талабалари вақти-вақти билан меҳнат жамоаларида тажриба ўтаб қайтишади. Уларга талабнинг катталиги бу борада жуда тўғри йўл тутилганини кўрсатмоқда.

Туман ҳокимининг қарори билан «Мактаблар куни» жорий этилгани таълим-тарбия ишини тағин ҳам жонлантириш имконини берди. Чунки ҳар ойнинг сўнгги шанбасида бўладиган «Мактаблар куни»да туман ҳокимлигининг вакиллари бўлган хўжаликлар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари халқ таълими муассасаларида бўлишади. Муаллимлар ва ўқувчилар жамоалари билан учрашиб, зарур ёрдам кўрсатилади. Ҳал бўлмаётган масалалар туман ҳокимлигида бўладиган якуний йиғилишга олиб чиқилади. Албатта, бу ерда масала тегишли корхоналар мутасаддилари иштирокида ечилади.

Илм даргоҳларида спортни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Амалдаги ўқув йилининг ўзида спорт жиҳозлари учун маҳаллий бюджетдан 200 минг сўм пул ажратилди. Футбол, волейбол ва теннис бўйича Ё. Ашуров, Ч. Аллаев, Б. Нормуродов хотира турнирлари ўтказилмоқда. Туман миқёсидаги мусобақалар Янгимиришкор қўрғонидаги марказий ўйингоҳда ва шу ердаги янги теннис кортида ўтказилаяпти. Яқинда туман марказий ўйингоҳи тубдан таъмирланди, 400 томошабинга мўлжалланган воҳада ягона теннис корти фойдаланишга топширилди. Туманда спорт-соғломлаштириш мактабини очиш ҳам режалаштирилаётир.

Туман ҳокимлиги ёшлар тарбиясига биринчи галдаги вазифа сифатида қарамоқда. Зероки, эртаси буюк бўлган Узбекистонимиз келажаги шу ёшлар ихтиёрида бўлади.

Эли ҲАМРОЕВ,
Усмон Юсупов туман ҳокимининг муовини.

Савоб

БИР ХАЙРЛИ ИШ

Абдулла Қодирий бобомизнинг маълум ва машҳур таъкидлари бор — «Ўтмишга қайтиб иш кўрмоқ хайрликдир». Яқинда яна бир шундай хайрли иш кўрилди — Тошкент шаҳрида яшовчи 30-40 чоғли фахрий ўқитувчилар, таъбир жоиз бўлса, ўтмишга саёҳат қилиб қайтдилар. Агар тафсилотлар сизни қизиқтирса, марҳамат, азиз газетхон, ушбу саёҳат ташаббускори, республика фахрий ўқитувчилар кенгаши раиси Шораҳим ота Гадойбоевнинг таассуротларига баҳузур қулоқ тутгайсиз!

— Республика фахрий ўқитувчилар кенгашига қатнаб турадиган фаол аъзоларимиз — фахрий ўқитувчиларимиз бор. Улар бир пайтлар мактабда муаллимлик қилган бўлсалар, ҳозир маҳаллада мураббийдирлар. Уларнинг маҳаллаларда ўз ўрни, ёшлар тарбиясида беқиёс хизматлари бор. Мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллиги ва Соҳибқирон бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги арафасида уюштирган ушбу сафаримиздан кўзда тутилган асосий мақсадимиз ҳам фахрий ўқитувчиларимиз қалбида тарихга муҳаббат туйғусини янада шаклантириш ва бу туйғуни ёшлар қалбига сингдиришга уларни ундаш эди.

Сафаримиз Жиззах шаҳридаги Шароф Рашидов музейи билан танишишдан бошланди. Сунгра Жиззах вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтини бориб кўрдик. Музейда ва институтда йўлга қўйилган тартиб, жиззахликларнинг меҳмоннавозлиги сафар қатнашчиларига жуда мақбул бўлди.

Самарқанд шаҳридаги аждодларимиз қолдирган улуғ мерос — қўҳна обидаларни зиёрат қилганимизда, кўксимиз ғурур ва ифтихордан юксалиб кеттандай бўлди. Дарвоқе, ушбу сафаримиз давомида фақат ўтмиш билан чекланиб қолмасдан, вилоятларимизнинг бугунги куни, шунингдек, мактабларда таълим олаётган келажак авлод ҳаёти билан ҳам имкон қадар танишишга ҳаракат қилдик.

Шу маънода, Ургут шаҳрида жойлашган республика миллий ҳунармандчилик лицейи фаолияти билан танишган фахрийларимиз болалар ясаган буюмларни кўриб ёш ҳунармандларга тасанно айтдилар. Лицейда 15 хил касб бўйича 500 нафар бола таҳсил олар экан. Ўқувчилар учун барча шароитлар яратилган. Шунингдек, тумандаги 34-ўрта мактабда ҳам болаларга катта ғамхўрликлар кўрсатилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Саёҳатимиз Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларида давом этди. Шаҳрисабздаги машҳур обида — Оқсарой, таъбир жоиз бўлса, ҳаммамизни ўзига сеҳрлаб қўйди. Соҳибқирон бобомиз «Агар бизнинг қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган иморатларга боқинг», деганларидек, Оқсаройни қайта-қайта томоша қилиб, боболаримизнинг улуғвор қудратига яна бир карра тан бердик.

Шаҳрисабзда биринчи жадид мактабини очган маърифатпарвар инсон Исломқул Туқсобо яратган салқин ва хушманзара боғни айландик. Бу жаннатмакон боғда бирров нафас ростлаб, шаҳардаги Доруттиловат комплексини (Мирзо Улуғбек барпо этган) зиёрат қилдик. Сунгра Яккабоғ туманига ўтиб, Амир Темур бобомиз таваллуд топган Хўжа Илғор қишлоғини кўришга муяссар бўлдик.

Шаҳрисабздаги 13- ва 8-ўрта мактабларни, миллий ҳунармандчилик лицейини ва Яккабоғдаги 74-ўрта мактабни бориб кўрдик. Ҳар иккала туманда фахрий ўқитувчиларга кўрсатилаётган эътибор билан қизиқдик ва ижобий жавоб олдик.

Сафаримиз давомида қаерда бўлмайлик, улуғ аждодларимиз руҳи покларига дуолар қилиб юрдик. Улардан маънавий мадад олгандай бўлдик. Фахрий ўқитувчиларимиз саёҳатдан катта таассурот олиб қайтишди ва бизнинг сафаримизга яқиндан ёрдам берган республика халқ таълими вазирлиги ҳамда Узбекистон миллий банк бошқармаси раҳбарларидан жуда миннатдор бўлдилар.

Суҳбатни Икром БЎРИБОЕВ ёзиб олди.

Суратда: фахрий ўқувчи-сайёҳларнинг бир гуруҳи.
Нормурод Муолиев олган сурат.

Сафар таассуротлари

САНЪАТ-ЛА ТУҒИЛГАН ДЎСТЛИК

Республика ўқувчилар саройининг «Юлдуз» рақс ва Туйчи Иноғомов номидаги доирачилар дасталари Туркия Радио ва Телевидение Кенгаши томонидан Анқара шаҳрида ўтказиладиган 18-Халқаро болалар Шодлигида иштирок этиш учун таклиф этилдилар. Ушбу анжуманга отланган дасталар бир неча ҳафта давомида унга қизғин тайёргарлик кўрдилар. Ва ниҳоят, 15 апрель куни биз, барча иштирокчилар тайёрада Истанбул шаҳрига учиб кетдик. Беш соат давом этган учиш пайтида ҳар бир боланинг ички ҳаяжонини уларнинг юзидан ўқиб олса бўлар эди. Ҳар бирининг қалбида она-юрт шарафини оқлаш, унинг санъатини кўз-кўз қилиш, мустақил юртимиз фаровонлигини, унинг ютуқларини тенгдошларига тўлқинланиб сўзлаб бериш орзуси бор эди. Болалар орасидаги суҳбат шундай қизғин давом этдики, биз ҳатто тайёранинг пастлаб учиб, Истанбул тайёрагоҳига қўнаётганлигини ҳам сезмай қолибмиз.

Истанбул шаҳрида анжуман иштирокчиларини байрам ташкилотчилари бўлган Туркия Радио ва Телевидение Кенгаши ходимлари кутиб олдилар. Биз уша куниёқ автобусда Истанбулдан Анқара шаҳрига жўнаб кетдик. Анқара шаҳрига етиб келишимиз биланоқ, Узбекистон республикасининг Туркиядаги элчихонаси ходимлари, Анқара шаҳридаги 60-мактаб директори Одил Оқтай ҳамда шу мактаб ўқувчилари, уларнинг ота-оналари пешвоз чиқишди.

Болалар 60-мактаб ўқувчилари, уларнинг ота-оналари ҳамроҳлигида хонадонларга йўл олишди. Улар ўн кун давомида ушбу хонадонларда истиқомат қилишди. Мана шу қисқа муддат ичида болалар турк халқининг урф-одатлари, анъаналари, тарихи, қизиқарли маросимлари билан яқиндан танишдилар. Оила аъзолари, айниқса, ота-оналар ва болалар орасидаги ўзаро муносабатлар, бир-бирларига кўрсатиладиган ҳурмат, эҳтиром, ўзаро мулоқот каби халқ удумларидан бохабар бўлдилар. Шунингдек, Анқара шаҳри бўйлаб саёҳат қилдилар. Уз навбатида уларга серқуёш ватанимиз ҳақида, унинг урф-одатлари, анъаналари, миллий қадриятлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Халқаро Болалар байрамининг дастури жуда ҳам кенг қиррали эди. Ушбу байрамда 48 давлат вакиллари, шу жумладан, Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларининг деярли барчасидан вакиллар иштирок этишди. Байрам шодиёналари Анқара шаҳридаги спорт ўйингоҳида бўлиб ўтди. Унда барча миллат ва элатларнинг рақс ва куйлари ижро этилди. 4 соат давом этган байрам оқшомида ҳар бир миллат вакиллари ўз ватани, унинг бебаҳо бойликлари, юрти гўзаллигини рақс ва куйлари орқали тараннум этдилар.

Шунингдек, байрам тантаналари кунлари қизиқарли учрашувлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Менимча, Туркия Президенти Сулаймон Демирэл ва ҳукумат раҳбарлари ҳузурида бўлган қабул маросими иштирокчилар қалбида бир умр из қолдирса керак. Қабул маросимида Президент барча иштирокчиларни беғубор болаликни тараннум этувчи гўзаллик, шодлик, дўстлик байрамлари билан қизғин табриклади. Уларни ўз ватанларининг муносиб фарзандлари, она-юртининг фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилишларига тилак билдирди. Маросим сўнгида иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Гуруҳимиз аъзоларининг Молдова, Украина, Озарбайжон, Франция давлатлари вакиллари билан ўзаро учрашувлари ҳам алоҳида диққатга сазовордир. Учрашув давомида болалар ўз ўлкалари тарихи, урф-одатлари, миллий қадриятлари ҳақида, болалар ташкилотлари фаолияти ҳақида, улар учун чоп этиладиган ойнома, рўзномалар, бадиий асарлар ҳақида сўзлаб беришди. Айниқса, санъат ҳақидаги мавзу қизғин давом этди. Болалар бир-бирларига ўзлари севган қўшиқларни ижро этиб, жозибадор рақсларни намойиш этишди. Ҳатто бир-бирларига қўшиқ ўргатишга ҳам улгуришди. Учрашув сўнгида доирачилар дастаси ўз доира усуллари билан барчани мамнун этишди.

Мен анжуман кунлари Туркия Жумҳуриятидаги Узбекистон элчихонаси ходимлари, шахсан ҳурматли элчимиз Абдуғаффор Абдураҳмоновнинг бизга кўрсатган ғамхўрликларини алоҳида қайд қилиб ўтмоқчиман. Гуруҳимиз аъзолари Туркия юртида худди қадрдонлари даврасида юргандек ҳис этдилар. Чунки улар томонидан кўрсатилган ғамхўрлик, меҳрибонлик, ўзаро самимий мулоқотлар болаларнинг ўзларини эркин ҳис қилишларига имкон яратди.

Мана шундай қувончли дамларни ортда қолдириб, 25 апрель куни Истанбул тайёрагоҳидан жонажон Тошкент сари йўл олдик. Байрам иштирокчиларини анжуман ташкилотчилари кузатиб қолишди. Лекин бундай кенг мазмунга эга бўлган тадбирлар ёди болалар қалбидан чуқур ўрин олиб, уларнинг турли миллат ва элатлар билан ўзаро дўстлигини мустаҳкамлашга катта хизмат қилади. Бундай тадбирларда иштирок этиш жараёнида биз болаларга ватанпарварлик туйғусини сингдириш, она-ерига, ўз заминига, халқига бўлган меҳр-муҳаббатларини ўстириш каби ижобий хислатларини тарбиялашга ҳам муҳим эътиборни қаратамиз. Энг муҳими, бундай юқори савияда ўтказилган тадбирлар тарихи, дини, тили бир бўлган икки дўст халқ фарзандлари орасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга, уларнинг бир-бирлари билан янада жипслашишларига яқиндан ёрдам беради.

Ижодий сафардан қайтар эканмиз, мен гуруҳ раҳбари сифатида болаларимизнинг катта байрам шодиёналарида иштирок этиб, уларнинг қувончларига қувонч қўшган, иқтисодий қийинчиликларга қарамай ижодий сафарни ташкил этишда ёрдам берган ҳукуматимиз раҳбарларига, Халқ таълими вазирлигига болалар номидан миннатдорчилик изҳор этишга жазм этдим. Ўйлайманки, санъат орқали тўғиладиган дўстлик ришталарини мустаҳкамловчи ва уни тараннум этувчи бундай анжуманлар ҳали кўплаб ўтказилади. Бундай тадбирлар қаерда ўтказилишидан қатъи назар, минтақамизнинг тараққиётига, фаровонлигига, тинчлик ва барқарорлигига ҳисса қўшади.

О. ИБРОҲИМОВА,
Республика ўқувчилар саройи директори.

КИЧИКЛАР УЧУН КАТТАЛАР ТАШВИШИ

Келажак ёшларники. Янада тўғрироғини айтсак, эндигина мактаб партасига утираётган болажонларники. Болажонлар эса биз катталарники. Аниқроғи, уларнинг таълим-тарбиясига масъул биз — муаллимлармиз. Хўш, ана шу мурғак вужуд, мурғак қалб фарзандларни Ватаннинг буюк келажагини ярата биладиган инсонлар бўлиб етишиши учун етарли куч сарфлаяпмизми? Бор имкониятларни, бор салоҳият ва иқтидоримиздан етарли фойдалана биляпмизми? Бошланғич таълимда таълим-тарбия ишларини тубдан яхшилаш учун нималар қилдик, нималар қилаяпмиз ва яна нималар қилмоқчимиз?

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида бўлиб ўтган илмий-назарий анжуманда худди шундай муаммоли масалалар муҳокама қилинди. Шу боис ҳам ушбу анжуман «Узлуксиз таълим тизимида бошланғич мактаб ўқитувчиларини тайёрлаш муаммолари» деб аталди. Унда республикамизнинг турли вилоят ва туманларидан ташриф буюрган олимлар, ўқитувчилар қатнашишди. Иштирокчилар Узбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Йўлдошевнинг ва яна бир қатор олимларнинг маърузаларини қунт ва мулоҳаза билан тингладилар. Қизғин савол-жавоб, мунозаралар олиб боришди.

Илмий-назарий анжуман икки кун давом этди. Анжуман сўнгида қатнашчилар томонидан тавсияномалар қабул қилинди. Бу тавсияномалар узлуксиз таълим тизимида бошланғич мактаб ўқитувчиларини тайёрлаш муаммоларининг ечими назарий томондан аниқ ва батафсил ёритиб берилган. Галдаги вазифа енг шимариб шу назарий тавсияномаларни амалда қўллаш, холос.

Луқмон БЎРИЕВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Таълим фидойилари

ТЎҒРИ ГАПИ ТЎҚМОҚСИЗ ЙИГИТ

Уша пайтларда у мактабда бошланғич ҳарбий таълимдан сабоқ берарди. Машғулот учун зарур бўлган ўқув қуролларини топди. Мактаб туман бўйича ўтказилган бошланғич ҳарбий таълим машғулотлари мусобақасида яхши кўрсаткичга эришган, ишлар яхши борарди.

Навбатдаги педагогик йиғилишда ўқув жараёнидаги камчиликлар ҳақида қуйиб-пишиб гапирди. Гарчи кўпчилик ичида унинг фикрини маъқуллаётган бўлса-да, қаттиққўл илмий мудирга бир оғиз сўз айтишга журъат қилолмасди.

— Қаранг-а, шунча айбимиз бор экан-у, олий маълумотли бўла туриб ақлимиз етмабди. Раҳмат, ўртоқ Убайдуллаев. Сиз ишчан қадрсиз, энди бир маълумотингиз ҳақида ҳам ўйлаб кўрсангиз бўлар экан. Жон орада нафақага кетсак, ўрнимизга сиздақа ишчан ёшлар керак. Бироқ ўрта маълумот билан... — пичинг аралаш деди илмий мудир.

Уша йили Зикрилла Тошкент педагогика олийгоҳининг тарих-ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирди. Мактабнинг бошланғич ҳарбий таълимни ўқитишдаги ютуқлари, ҳарбий таълим ўқитувчисининг ўз касбига меҳри ва иштиёқини сезган туман халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Абдували ака Тўхтаев Зикриллани бошланғич ҳарбий таълим ишлари бўйича методист-назоратчиликка ишга таклиф қилди. Бу Зикрилла учун айни муддао эди. Негаки, ҳарбийлик унинг қонида бор, десак хато қилмаймиз. Дадаси Асатилла ака уруш кўрган киши. Шу боис 5 ўғлини ҳам ҳарбийларга хос шижоатли, муросасозликдан бегона қилиб тарбиялаган. Зикрилла бутун вужуди билан ишга шунғиб кетди.

Ёшларнинг ҳарбий хизматга дастлабки таёргарлик куникмаларини тарбиялашда, улар қалбида Ватан ҳимоячиси бўлишдек шарафли бурчдан фахрланиш ҳиссини уйғотишга интилди. Бу ишда спорт-соғломлаштириш лагерларининг хизмати беқиёслигини раҳбарларга тушунтира олди. Туманда бир қанча шундай лагерлар ташкил қилинди. Натижа ёмон бўлмади. Ҳарбий хизматга чақирилган кўплаб ёшларнинг командирларидан туман мудофаа ишлари бўлимига миннатдорчилик хатлари кела бошлади. Бу муваффақиятларда капитан З. Убайдуллаевнинг ҳам муносиб улуши бор эди. Унга «Халқ таълими аълочиси» унвони берилди.

Ушанда илмий мудирнинг гапига фаришталар омин деган шекилли, З. Убайдуллаев орадан йиллар ўтиб, олий маълумотли тарих-ҳуқуқшунос дипломи билан қадрдон мактабига қайтди, кейинчалик директор ҳам бўлди.

У туман миқёсида ишлаш жараёнида бир нарсани ўзи учун кашф қилганди. Ҳам иш, ҳам томорқа, рўзғор ташвишлари билан банд қишлоқ ўқитувчиси меҳрга, жиндай эътиборга муҳтож бўлади. У касбдошларининг ҳар бири билан алоҳида суҳбатлашди, орқаворотдан оилавий аҳволини ўрганди. Қишлоқчилик, биров оилаги ўғлининг рўзғорини бўлак қилиш, унга иморат қуриш ташвишида, биров тўй тараддудида. Демак, ўқитувчиларга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак керак. Зикрилла жамоа билан бамаслаҳат иш тутди. Гоҳ ҳашар уюштиришди, гоҳ маблағ жамлаб беришди. Арғамчига қил қувват. Рўзғор ташвишидан озод бўлган, раҳбардан илиқ муомала кўрган ўқитувчи қалбида касбига, иш жойига меҳр уйғонди.

Натижа ёмон бўлмади. Дарслар тўлиқ кўргазмали қуроллар воситасида ўтказиладиган бўлди. Болаларнинг ўзлаштириши, дарсга қизиқишлари ҳам чакки эмас. Бироқ давомат паст эди. Айниқса, баҳор ва куз чоғида томорқаларда, далада экин-тикин ишлари бошланганда ота-оналар болаларини тез-тез дарслардан олиб қоларди.

Мактаб ота-оналар умумий йиғилиши чақиртирилиб, анкета тарқатилди. Оила ва мактаб ҳамкорлиги кучайди. Ҳунар ўргатиш бўйича кўп йўналишлар ишга туширилди. 7-8-синфларда замон талаби асосида косибчилик, 9-синфларда металшунослик, 10-11-синфларда чеварчилик ҳамда тракторчилик курси ўқитила бошланди. Ўқувчилар етуклик шаҳодатномасига қўшиб ихтисослик гувоҳномаси ҳам олишди.

— Ҳозир бировдан ёрдам кутиб ўтирадиган пайт эмас, — деди навбатдаги йиғилишда у. — Ўзимиз қўлимиздан келганча ҳаракат қилишимиз, мактаб жамғармасини ташкил қилишимиз керак. Менда бир таклиф бор. Мактаб томорқасини кенгайтирсак.

Директор илмий мудир С. Эргашев билан бирга Т. Нормуҳамедов номли жамоа хўжалиги раиси ҳузурига бориб, муддаосини айтди.

— Мактаб ҳам, болалар ҳам ўзимизники, — деди раис жилмайиб. Яхши таклиф, қўшиламан.

Шу тариқа мактабга 1 гектар ер, 1 та трактор ажратиб берилди. Мактаб боғидан, томорқадан тушган даромад эса мактаб эҳтиёжини қондиришга сарфланяпти.

Мактаб Қибрай туманида анча танилиб қолди. Фан олимпиадаларида, «Санъат байрами», «Иқтидорли болалар» кўрикларида яхши кўрсаткичларга эришди. Компьютерли бўлди.

«Соғлом авлод учун» ҳаракатига чин дилдан қўшилган капитан Убайдуллаев ҳозирги кунда туман халқ таълими бўлими қошидаги балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш назоратчиси.

Усмирлик ниҳоятда нозик палла, — дейди у, — бу пайтда ёшларга алоҳида эътибор билан қараш керак. Боланинг ҳар бир хатти-ҳаракати назоратда бўлиши, уни ташқи таъсирлардан муҳофаза қилиш зарур. Бу борада агарда мактабда «Психология» дарслари ўтилса мақсадга мувофиқ бўларди. Ниятим, мустақил Узбекистонимизнинг келажаги жисмонан ҳам, ақлан ҳам соғлом, маънавий етук ёшлар қўлида бўлсин.

Муҳаббат Ҳамидова,
халқ таълими аълочиси.

Шогирд эҳтиромли

МАКТАБИМИЗ ФАЙЗИСИЗ

Ўқитувчини инсон қалбининг меъмори дейишади. Муаллим ўқувчи қалбини забт этсагина, том маънодаги тарбиячи даражасига эришади. Бизнинг мактабимизда ҳам ҳар куни соғиниб, кўришни истаб келадиган муаллимларимиз бор. Шулардан бири Мақсуда Мақсумхўжаевадир. Мақсуда опа химия фанидан дарс берадилар. Одатда, кўп болалар химияни оғир, зерикарли фан дея ҳисоблашади. Лекин бизнинг синфимиз болалари химияни жуда қизиқарли фан деб билишади. Бунда муаллимамизнинг хизматлари беқиёс.

Тажрибали муаллимамизнинг ҳаракатларида, юз-кўзларида ўзимизга нисбатан улкан меҳри, муҳаббатни пайқаймиз. Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан, деганларидек, Мақсуда опага ўқувчиларнинг ҳурматлари ҳам чексиздир. Мактаб ҳар бир бола учун ўз тенгдошлари билан бир қаторда, севган муаллимлари борлиги учун ҳам файзли. Шу боис, ҳамиша шогирдларингиз ардоғида юринг, Мақсуда опа.

Бобур ОТАМУРОДОВ,
Юнусобод туманидаги 83-ўрта мактаб ўқувчиси.

ШОДЛИК МАКТАБИ

ёки лотин ёзувига асосланган янги

Яқинда «Ўқитувчи» нашриёти 1-синфлар учун лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбе дарслиги — «Шодлик»ни босмадан чиқарди. Безаги чиройли, болалар диққатини ўзига дарҳол тортадиган бу дарслик олимлар гуруҳи ва амалиётчи муаллимларнинг, нашриёт муҳаррирларининг жонбозлик кўрсатиб ишлаши туфайли юзага келди. Мухбиримиз мазкур дарслик-мажмуа муаллифлари билан учрашиб, янги дарсликнинг мантиқий ва илмий асослари, аввалги шу хилдаги алифбелардан фарқи ва анъанавий давомий жиҳатлари, муаллифлар гуруҳи кўзда тутган асосий мақсадлар, янги дарслик бўйича ўтказилган тажриба-синов натижалари ҳақида суҳбатлашди.

Қумри АБДУЛЛАЕВА, педагогика фанлари доктори, профессор:

— Истиқлол шарофати билан мамлакатимиз халқ таълими тизимида ҳам мустақил чуқур ислоҳотлар ўтказишга кенг имконият яралди. Ана шу имконият туфайли биз ўзбек педагог-олимлари ҳам халқ таълимини янгилаш йўлида изланишлар олиб бордик. Бизнинг муаллифлар гуруҳи томонидан, аввало, бошланғич мактаб концепцияси, таълим давлат стандарти, бошланғич мактаб дарсликларини яратиш меъёрлари ишлаб чиқилди. Буларни яратишда халқимиз тарихи, маданиятимизнинг ривожланиш босқичларига назар ташладик, биздан аввал бу масалалар билан шуғулланган устоз-мураббийларнинг бой анъаналарини ўргандик.

Маълумки, Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XIII сессияси лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида мактаб ўқувчилари учун янги ўқув дастурлари, дарсликлар, методик қўлланмалар ва дидактик материаллар яратиш, уларни мактаблар ҳаётига кенг жорий этишдан иборат тадбирларни маъқуллади. Узбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунининг мантиқий давоми бўлган ушбу тадбирларда 1996—1997 ўқув йилида 1-синф ўқувчилари учун ўқув-методик мажмуа яратишни ҳам вазифа қилиб қўйилганди. Ҳукуматимизнинг бу дастуриламал ҳужжатларида ўзбек ёзувини демократлаш—ёзувимиз нуфузи ва мартабасини жаҳоншумул ёзувлар даражасига кўтариш, ўзбек миллий имлоси негизини яратиш кўзда тутилган бўлиб, аввало:

а) ўзбек ёзма адабий тили усули ва воситаларини миллийлаштириш, б)ўзбек миллий имлоси тамойилларини аниқ белгилаб олиш; в) шу асосда миллий алифбони вужудга келтириш муҳим вазифа қилиб қўйилди.

«Алифбо» — миллий савод-хонлик асоси, маънавият гулшани, баркамоллик калити ҳисобланади. Чунки савод чиқариш ҳарф танишдан бошланади. Ҳарф миллий товуш тимсоли бўлиб, тилларароо турли хил хат кўринишларида бўлади. Масалан, ҳозирги ўзбек алифбоси сираси «лотин-кирилл-ўзбек» ҳарфлари кўринишидадир.

Шуни таъкидлаш лозимки, «ўзбек алифбоси рус-кирилл ҳарфларидан иборат», «ҳозирги ўзбек адабий тили — сунъий тил» каби фикр-мулоҳазалар она тилини камситишга қаратилган бўлиб, ҳеч қандай амалий ва илмий-назарий асосга эга эмас! Кейинги йилларда қадимги турки битиклар, ёдгорликлар, ёзувлар ҳақида қатор йирик илмий-тадқиқот ишлари вужудга келди, эски ўзбек ёзуви ва унга оид ёзма ёдгорликлар тили кенг ўрганила бошланди. Энди ўзбек ёзуви тарихи, унинг тараққиёт йўллари ва ҳозирги кундаги фаолияти ҳақидаги «сохта инқилобий» жўн ва пуч фикрлар ўрнига ижтимоий тарихий маълумотлар асосида таг-заминли мулоҳазаларни айтиш мумкин. Бу — мустақиллик, миллий тараққиёт ва истиқлол мафкураси талабидир.

«Миллий ёзув» иборасини тўғри тушунмоқ лозим: ўзбек миллий ёзуви ўтган ярим аср мобайнида уч хил хат кўринишида фаолият кўрсатди: 1927 йилдан ислоҳланган «араб-ўзбек хати», 1929 йилдан «лотин-ўзбек хати» усулида бўлиб, 1940 йилдан эса «рус графикасига асосланган ўзбек ёзуви» деб юритила бошланди. Араб ва лотин хатлари ўзбек тили табиатини ҳисобга олган ҳолда ислоҳланиб, С. Саидазизов, Ғ. Юнусов, Фитрат, А. Зоҳир, А. Авлоний, Мунаввар қори, Ш. Раҳимий, Ш. Зуннун каби йирик ўзбек тили мутахассис-педагоглари томонидан миллий алифбо даражасига кўтарилган эди. Бироқ «лотин-кирил — ўзбек» хати кўринишидаги ҳозирги ўзбек алифбоси ўтган 53 йил давомида мутлақо ислоҳланмади, маъмурий буйруқбозлик салтанати, коммунистик мафкура бунга йўл бермади. Мустақиллик, истиқлол мафкураси амалдаги ўзбек алифбосини тадрижий такомил йўли билан ёзув демократияси тамойиллари асосида ислоҳлашни — тўла миллийлаштиришни тақозо этарди.

Узбек миллий алифбоси ўз узоқ ўтмишига, тарихий тараққиёт қонунларига, такомил босқичларига, ўз қўлланиш ва тузилиш йўриқларига эга бўлган. Алифбо тушунчаси товуш, имло, талаффуз ва ёзув ҳодисалари билан узвий боғлиқдир. Бу ўринда алифбо дарслигининг номланиши хусусида ҳам бир-икки оғиз тўхталишга тўғри келади. Амалдаги алифбо дарслигининг «Алифбо» (букварь) номи билан юритилиши ҳаммага маълум (кўпинча алифбе-букварь, алифбо — алфавит деб изоҳланади). Бироқ биринчи ўзбек миллий алифбосининг асосчиларидан Саидрасул Саидазизов ўз китобини «Саводи аввал» (1902 йил) деб атаган. Мулла Рустамбек ибн Юсуфбек «Таълими аввал» (1903 й.), А. Авлоний «Муаллими аввал» (1911 й.), «Муаллими соний» (1912 й.), «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» (1913 й.) деб номлаган.

Муҳаммадамин ибн Муҳаммадкарим хожа (Фахриддинов)нинг «Туркча» (1913), Ашурали Зоҳирийнинг «Имло» (1916 й.) рисолалари ҳам алифбо, ибора ва имло муаммоларига бағишланган. Шокиржон Раҳимий ўз асарини «Совга» (1919 й.) деб атаган. Азизулло Орол эса ўз китобини «Узбек-туркий алифбоси» деб номлаган (АҚШ, 1991 йил).

Алифбе дарслигининг номланиши ва ўзига хослигидаги фарқлар бу билан чекланмайди. Ўтган давр ичида, айниқса, XX асрнинг биринчи ярмида ўнлаб алифбе китоблари яратилган. Лекин бир умумий жиҳат аниқ: алифбе дарсликларининг яратилиши ва номланиши ижтимоий-тарихий, миллий-маданий тараққиёт ва маънавий-имловий савод-хонликни таъминлаш масаласи билан боғлиқ. Бинобарин, барча ўқув қуроллари (дастурлар, дарсликлар, қўлланмалар), методик тавсиялар ва бошқалар, биринчи навбатда, алифбе дарслиги мустақиллик нишонаси бўлмоғи, истиқлол мафкураси талаблари заминида тузилмоғи лозим. Биз мустақил республикамизнинг эмин ва қувноқ, ҳур ва озод фарзандлари тақсилига мўлжалланган алифбе дарслигини «Шодлик» деб атадик. Сабаби, миллий истиқлол таълими мазмуни ва шаклини ўзгартириш фарзандларимизга қувонч ва мамнуният бахш этувчи янги усулдаги бошланғич мактаблар яратиш, бу мактабларнинг «Шодлик мактаби» деб аталишини мақсад қилдик. Келажагимиз таянчи — кичкинтойлар «Шодлик мактабларида» «Шодлик» алифбосидан сабоқ олсинлар.

Карим НАЗАРОВ, филология фанлари доктори, профессор:

— «Шодлик» ўз мазмун-мундарижаси, ташқилий тузилиш принципи, жиҳати, педагогик ва дидактик жиҳози, миллийлиги, кичкинтойлар учун қизиқарли бўлишга мослангани, ҳарфлар миқдори ва уларнинг берилиш тартиби, руҳи-вазифасининг тўлақонлиги, тил ва услуби жиҳатидан амалдаги «Алифбе»дан тубдан фарқланади. Бунда жорий алифбо сирасини такомиллаштириш (ислоҳлаш) йўли билан тўла миллийликка эришилди: мустақил ўзбек алифбоси яратилди. «Шодлик» алифбоси ижтимоий-маданий, маънавий-маърифий истиқлолимизнинг илк намунаси бўлади.

Янги алифбонинг ҳажм ва тузилиши (ҳарфлар, сўзлар ва жумлалар қурилмаси) мустақиллик қобуғида, мазмуни эса истиқлол мафкураси йўриғида бўлиб, мақсади-маънан тетик, жисмонан соғлом, руҳан уйғоқ инсонларни тарбиялашга, саводхон ва комил фарзандларни вояга етказишга йўналтирилгандир. Унда ўзбек-туркий ёзувининг тарихий тараққиёт қонунларига, алифбо тузишнинг миллий анъаналарига, шарқона таҳсил усул ва удумларига амал қилинган. Шу билан бирга алифбе миллий маданият кузгуси, маърифат очқичи ва маънавият гулшани эканлигига, миллий тил ривожи ва барқарорлигини таъминлашда, нуфузини орттиришда алифбонинг хизмати беқиёслигига ҳам алоҳида эътибор берилган.

«Шодлик» — том маънода миллий савод асоси саналади. У мантиқан уч бобдан иборат: а) товуш ва ҳарф сабоқлари; б) талаффуз ва имло сабоқлари; в) ифода ва иншо сабоқлари.

Буларнинг биринчи гуруҳи оғзаки нутқ бирликларига мансуб бўлиб, миллий тил талаффуз қонуниятлари заминида белгиланди. Иккинчи гуруҳ бирликлар эса ёзма нутққа хос ва улар ўзбек миллий ёзуви қоидалари асо-

Иқтисод сабоқлари

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ ЗАРУРАТИ

Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Таълимни жаҳон талаблари даражасига кўтариш мустақил Ўзбекистоннинг энг муҳим вазифаларидан»дир. Бу вазифани бажаришда кўп миллионли мактабгача ёшдаги кичкинтойларга, мактаб ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларига, кўп сонли ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг катта армиясига, қолаверса, барча ота-оналарга, қўйингки, диёримизнинг бутун аҳолисига иқтисодий таълим-тарбия бермасдан бўлмайди. Чунки бизнинг фуқароларимиз хориждаги бозор иқтисодиёти шароитида фаолият курсатаётган ишбилармонлар билан бир хил (иқтисодиёт) тилда гаплашиб, бир-бирларини тушуниб, янги замонавий технологиялар асосида иш олиб боришларида жуда катта потенциал бор. Ҳаммага маълумки, тўғри йўлга қўйилган иқтисод эл-юртни гуллаб-яшнатади, унинг фуқароларини бойитади.

Иқтисодиёт фани ресурсларини (табиий, меҳнат, моддий, техникавий, молиявий ва бошқаларни) чегараланганлигини ҳисобга олиб, улардан самарали ва оқилона фойдаланишни ўргатади. Барча ресурслар ичида энг кучлиси ва ҳал этувчиси, таъсирчан ва кенг имкониятга эга бўлгани — бу инсон ресурсидир, яъни инсон омилидир. Шунинг учун ижтимоий ва иқтисодий сиёсатни муваффақиятли ҳаётга татбиқ этиш, аввало, ҳар бир шахснинг шу сиёсатни англаши ва амалга оширишдаги фаоллигига боғлиқ.

Умуман таълим-тарбия соҳасидаги ҳозирги давр буюртмаси жамиятимиз тараққиётини белгиловчи жаҳон андозасига мос келувчи ижодкор шахсни шакллантиришдан иборат. Бундай шахсни шакллантиришда кўп қиррали таълим-тарбия тадбирлари орасидаги иқтисодий таълим-тарбиянинг аҳамияти беқиёс катта. Чунки, аввало, ижоднинг ўзи иқтисодга боғлиқ, қолаверса, махсус таълим натижасида шахсда иқтисодий онг вужудга келиб, у бозор муносабатларида ўз ўрнини топа олади. Иқтисодий онгни вужудга келтириш жуда қийин ва мураккаб жараён. У индивидни дунёга келишдан бошлаб то уни камолатга интилиб, ижодкор шахс даражасига етгунча булган даврни ўз ичига олади. Бу давр ичида онгни шакллантирувчи иқтисодий тарбия, иқтисодий таълим, иқтисодий саводхонлик, иқтисодий тайёргарлик, иқтисодий тафаккур, иқтисодий фикрга эгалик ва иқтисодий маданиятлилик хислат ва сифатларини мужассамлаштириш зарур.

Усиб келаётган авлодни ва катталарни ўзгариб бораётган янги иқтисодий шарт-шароитга — бозор муносабатларига мослашишни ўргатиш иқтисодий таълим-тарбиянинг ҳаётий заруратидир. Агар иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ҳаммамиз онгли равишда унинг туб маъносини тушунган ҳолда қатнашганимизда эди, мамлакатимиз ютуқлари ҳозиргига нисбатан беш-ун чандон юқори бўлар эди.

Очиғини айтганда, айрим кишиларимиз расмий маросимларда сўзга чиққанда, раҳбарият олдида замон талабига мос юрганлигини кўрсатиб, бозор иқтисодиётига ўтиш учун узларини «қурашчи» сифатида кўрсатиб гапирадилар. Шу билан бирга норасмий, узаро дўстона, самимий суҳбатлашганда ҳам, оилада, ўз яқин таниш-билиш, қариндош-уруғлари ўртасида ҳам шу одамларнинг узлари «Бозор иқтисодиёти кимга, нимага керак ўзи?!» — деган дудмал гапларни ҳам айтадилар. Бундай икки юзламачилар қанчалик камайса, республикамиздаги иқтисодий ислоҳотлар шунчалик тез амалга ошади ва бозор иқтисодиётининг афзалликлари халқимизнинг кўз ўнгида намоён бўлади. Шунинг учун мамлакатимизнинг барча фуқаролари чин юракдан, руҳи, вужуди, ички туйғу ҳиссиёти билан, виждон амри билан бозор иқтисодиётига утишимиз зарурат эканлигини англашларига катта эътибор беришимиз керак. Яъни ҳар бир инсон ақл-идроки билан бозор иқтисодиёти афзалликларини тушуниб, шу йўналишда фаол ишлаб боришига эришишимиз лозим.

Иқтисодиётнинг қайси тури афзал эканлигини фақат уларни узаро таққослаш, таҳлил қилиш орқали аниқлаш мумкин. Сўнгги юз йил, яъни йигирманчи аср давомида асосан икки турдаги иқтисодиёт баробар яшаб келди. Капиталистик мамлакатларда бозор иқтисодиёти, социалистик мамлакатларда эса режалашга асосланган, марказлаштириб бошқариладиган иқтисодиёт ҳукм сурди. Ҳар иккала тизимдаги давлатларнинг иқтисодий сиёсати бир мақсадга — халқ турмуш даражасини ошириб, фаровонликка эришишга қаратилган. Бу уринда собиқ Иттифоқ давридаги ҳаётимизни микро иқтисодиётида бўлиб утган воқеаларни аслаб утиш жоиз куринади. Ҳамкасбимиз, қариндош-уруғимиз, қуни-қўшни ёки таниш-билишларимиздан қайси бири уша, даврда хорижий мамлакатларга сафарга бориб қайтишса, расмий йиғилишларда совет тизимини мақтаб, норасмий суҳбатларда чет элдаги турмуш фаровонлигини мароқ билан айтиб беришар эди. У ердаги магазинларнинг товарларга бойлиги, меҳмонхоналарда ва бошқа жойларда инсонга курсатилаётган хизмат даражаси юқорилиги, шунингдек, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслик, алдамаслик ҳақида кўпчилик эшитган. Хорижга чиқиб кетаётганда алмаштириб берилган 50 рубллик валютага оламжаҳон совға-саломлар харид қилиб олиб келганларини кўрган ҳамюртларимиз учун чет элдаги ҳаёт бизникидан устун эканлигига далолат бўлган.

Кишиларимиз қанчалик носоциалистик давлатларда бўлсалар, шунчалик уша мамлакатнинг бойлиги ҳақида сўз юритилар эди. Бундай хабарлар одамлар ўртасида жуда тез тарқаларди ва табиийки эшитганлар чет эл фуқаролари каби яшашни хоҳлаб қолишарди. Бунинг устига-устак охирги ўн йилликлар даврида собиқ Совет мамлакатида иқтисодий инқироз руй бераётгани очиқ-ойдин тан олинмаса ҳам иқтисодий таназзулликни статистик маълумотлардан билиш қийин эмас эди. Масалан, 1985-1990 йилларда СССРда саноат ишлаб чиқариш 6 пунктга (бандга), миллий даромад икки пунктга (бандга) пасайиб, давлат қарзи 6 баробар ўсгани, уч баробар пул эмиссияси кўпайгани, ишсизлар сони 2 баробар ортгани ҳақида маълумотда эълон қилинган.

Ўзбекистондаги иқтисодий аҳвол бундан ҳам аянчлироқ эди. Чунки аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад Умумиттифоқдагига қарагандa 1,5 маротаба кам деб ҳисобланар, аҳолимиз эса 2 марта озроқ пуллик хизматлардан фойдаланар эди. Республикада экологик мувозанат бузилган, тиббиёт ва бошқа соҳаларда қийинчиликлар кўп эди.

Иқтисоддан умуман бехабар бўлган одамлар ҳам қуйидаги рақамларга қараб қайси иқтисод маъқуллигини танлаб олиши мумкин. АҚШ билан СССРдаги гишт терувчи ишчининг меҳнатини таққосласак:

Кенг истеъмол маҳсулотлари	Собиқ СССР ишчиси сарф-лайдиган иш вақти	АҚШ ишчиси сарфлайдиган иш вақти
1 килограмм мол гўшти учун	1,5 соат	13 минут
1 килограмм парранда гўшти учун	2 соату 17 минут	9 минут
1 килограмм шакар учун	45 минут	3,5 минут
шерст костюм учун	137 соат	10 соат
рангли телевизор учун	534 соат	31 соат

Бу жадвалдан кўриниб турибдики, бозор иқтисоди марказлаштириб бошқариладиган иқтисоддан устундир.

Собиқ совет тизимида туғилиб, ўсиб унган ҳозирги авлодимизнинг онгига социалистик режалаштириш иқтисодиёти, марказлаштирилган бошқарув тизимлари сингиб кетган. Лекин микроиқтисодиёт нуқтаи назаридан ўтмишга назар ташласак, Хитой, Қурия, Олмония, Вьетнам мамлакатларининг бир қисмида бозор иқтисодиёти, иккинчи қисмида эса социалистик режалаштириш ва тақсимлашга асосланган иқтисодиёт бир вақтнинг ўзида ишлаб келди. Натижада бозор иқтисодиёти устунлиги амалий ҳаётда исбот бўлди. Негаки, бир хил табиий шароит, бойликларга эга бўлган бир хил миллат одамларида ҳар хил турмуш даражасига эришилди. Бозор шароитида яшаётган Тайвандаги хитойликларни, Федератив Германиядаги немисларни, Жанубий Қуриядаги ва Вьетнамдаги одамларни турмуш даражаси социалистик иқтисодиёт шароитида яшаётганларга нисбатан кўтарилиб, анча фарқ қила бошлади.

Ё. У. МУҲИБОВ,
иқтисод фанлари номзоди, доцент.
(Давомий бор).

Олий ўқув юртларида

ОДОБНИ ШАРҚДАН ЎРГАН

Шакл билан мазмун бир-биридан ажратиб бўлмас қонуниятлигини ҳамма эътироф этади. Бироқ биз кўпинча мазмун бирламчилиги ҳақида гапирамиз. Бу, албатта, тўғри. Лекин носоглом шакл соғлом мазмун кушандаси эканлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти этика, эстетика кафедраси мудири, фалсафа фанлари номзоди, доцент Муҳаммаджон Зарипов билан бўлган суҳбатимиз ҳам шу хусусда...

— Домла, миллий-ахлоқий қадриятларни қандай тушуниш мумкин?

— Гап миллий-ахлоқий тарбия ҳақида борганда, энг аввало, «тарбия», «тарбият» сўзларининг асл маъносини эслаш керак. Бу сўз арабчада «парвариш қилмоқ, таълим бермоқ, одоб ўргатиш» каби маъноларни беради.

Ҳамма даврларда ҳам тарбиячилар ёшларнинг ахлоқини, малакасини, хатти-ҳаракати йўналишини давр талаблари ва эҳтиёжлари билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилганлар.

Аслида миллат бир-бирига қанчалик яқинлашмасин, уларнинг вакиллари ўз маънавий қиёфаси жиҳатидан тўла уйғунлашиб кетмайди. Зеро, миллат мавжуд экан, унинг маънавий камолоти билан боғлиқ бўлган ахлоқий тарбиянинг ўзига хос миллий усуллари, мазмуни ва йўналиши ҳам такомиллашиб боради.

— Ҳар бир халқнинг ўз этик ва эстетик йўналишлари бор. Жумладан, биз — Шарқ халқларининг ҳам. Назаримда муайян халқнинг этик ва эстетик қарашларига миллий руҳ сингдирилади. Сизнингча, бугунги ёшларда, хусусан, ўзингиз таълим бераётган талабаларда мана шу жабҳадаги миллийликни қай йўсинда деб баҳолайсиз?

— Ахлоқ — ҳаётда ўз-ўзини идора қилиш меъёрларини, муносабат маданиятини, ҳалол турмуш кечириш мезонларини белгилайди.

Ўрўполик баъзи олимлар таъкидлаганидек, ахлоққа оид дастлабки доно фикрлар қадимги Юнонистонда эмас, балки қатор Шарқ мамлакатларида пайдо бўлганлиги тарихий манбалардан бизга маълум. Қадимги туркий халқларнинг ахлоқий муносабатлари хусусидаги маълумотлар зардуштийликнинг «Авесто» ёдгорлигида, туркий битикларда ўз ифодасини топган. Булардан ташқари халқимизнинг оғзаки ижодида, инсоннинг қадр-қиммати, гўзал фазилатлари ҳақида сўз юритилади, она-юрт учун курашда курсатилган қаҳрамонликлар улугланади. Бу гоялар кишиларни софдилликка, ҳалолликка чақиради. Назаримда, мана шундай хислатларни бугунги ёшлар онгига сингдириш жуда муҳим. Энди жамоамиз ҳақида гапирсам, тағин мақтаняпти деб ўйламанг, баъзан шунга амин бўламанки, талабаларимизда миллий руҳ, боболаримиз шижоати қуртакланяпти.

— Муҳаммаджон ака, маълумки ўтган суронли йиллар мобайнида халқимизда нафақат маънан, балки шаклан ҳам йўқотишлар бўлди. Бугунги узликка қайтиш даврида, хусусан, сизнинг кафедрангизда мазкур яраларга малҳам бўладиган қандай ишлар олиб борилянпти?

— Жуда тўғри айтдингиз, етмиш йилдан ортиқроқ вақт мобайнида «қизил империя» ҳукмронлиги халқимизни маънавий ва маданий қашшоқликка дучор қилди. Мен бу ўринда ана шу йўқотишларнинг айрим соҳаларигагина тўхталиб ўтсам. Бизнинг кафедрамизда этика, эстетика фанлари билан бир қаторда дин тарихи ҳам фан сифатида талабаларга ўргатиб келинмоқда. Ўтган суронли йилларда динга ўтказилган тазйиқ ва унинг оқибатларини таҳлил қилмасдан, миллий мафкура ҳақида тўла фикр юритиш қийин. Ана шу йилларда мафкуравий таъсирнинг турли соҳалари бири иккинчисидан ажратиб амалга оширилиши, фуқаролик ҳуқуқларининг поймол қилиниши, ўзгалар урф-одатлари билан миллий урф-одатларимизнинг қўшиб, қориштириб юборилиши миллатимизни ҳам шаклан, ҳам маънан қисман инқирозга мубтало қилди.

Шундай экан, бугунги кунда маънавиятимизни тиклаш ва ривожлантиришда миллийликнинг нақадар устиворлигини тўғри англай олишимиз керак. Кафедрамизда бу борада қўлимиздан келган барча жиддий ишларни амалга оширяпмиз.

Менимча, бугунги кунда билим юртимиздаги ўтказилаётган тадбирлар, илмий-методик анжуманлар талабаларимизга бевосита ва билвосита таъсир этиши табиий бўлса керак.

— Сўнгги савол: кафедрада қандай муаммоли масалалар устида иш олиб борилаяпти?

— Ахлоқ-одоб тарбияси узлуксиз жараёндир. Бу борада ҳеч қандай танаффусга, мавсумийликка йўл қўйиб бўлмайди.

Шунинг учун муҳим муаммолардан бири бу — ҳар бир фан учун олий ўқув юртларида қатъий бўлган ўқув режасини тузиш керак. Биз кафедра аъзолари билан ҳамкорликда «Этиқа», «Эстетика» ва «Дин тарихи» курслари бўйича педагогика олий ўқув юртлари учун ўқув режаси тузиб, шу асосда иш олиб бораяпмиз.

Яна бир муаммо. «Этика», «Эстетика», «Дин тарихи» курслари бўйича ўқув дарсликлари ҳам йўқ. Бу эса ишимизда анчагина қийинчилик тугдирмоқда. Ҳозирча кучимиз етганча ўқув қўлланмалари яратиш устида иш олиб бормоқдамиз. Бу соҳада бизга Тошкент давлат университетининг «Диншунослик» ва «Этика-эстетика кафедраси» аъзолари яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Суҳбатдош Алишер НАЗАРОВ.



Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги Ш. Муҳаммадиев номли мактабда ташкил этилган «Ёш техниклар» тўгарагига тажрибали муаллим Аъзамхон Муҳаммадиев раҳбарлик қилади. Тўгарак қатнашчилари шу кунгача ундан турли машина моделларини, қурилма ва аппаратларини конструкциялаш сир-асрорларини жуда яхши ўрганиб олишди. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг кўпчилиги турли конкурс ҳамда кўргазмаларда фаол иштирок этиб туришади.

Суратда: VI синф ўқувчиси Сарвар Ҳамроев тўгарак раҳбари А. Муҳаммадиев ёрдамида «Моҳир учувчи» деб номланган янги электрон ўйинни яратиш устида ишламоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Мукофот соҳиблари

БАХТИ БЕКАМ МУАЛЛИМА

Тақдир қизиқ экан. Замира Тошкентда ўқиб юрган кезларида дафъатан ҳамқишлоғи Суннат билан (у ҳам Тошкентда ўқирди) учрашиб қолди. Бу учрашув бориб-бориб икки ёш қалбида муҳаббат машъалини ёқади. Улар севиб-севилиб турмуш қурадилар. Мана, 17 йилдирки, улар бир-бирлари билан аҳил-иноқ яшаб келмоқдалар. Ширидан-шакар беш нафар фарзанди бор. Фарзандларининг уч нафари қиз, икки нафари ўғил. Замиранинг умр йўлдоши С. Носиров айни пайтда туман агрохизмат кўрсатиш ҳиссадорлик уюшмаси раиси бўлиб ишламоқда.

Қайнота — Носир бобо, қайнона — Ойша хола ҳам келинидан ёлчишган. Ўн етти йилдирки, улар Замира билан бирга яшашади. Аслида Замира бу хонадонга тўнгич келин бўлиб тушган. Шундай бўлгандан кейин уни бўлак уйга кўчириб ўтказишлари ҳам мумкин эди. Бироқ, Носир бобо ҳам, Ойша хола ҳам бундай қилишга шошилишмаётир. Нега?

— Илойим келинимнинг умри узоқ бўлсин, — дейди Ойша хола. — Кўнглимиздан чиқди. Ҳамма ишни қойиллатади. Бизга ҳузур кўрсатяптими, ўзиям фарзанларининг ҳузурини кўрсин. Бахтли, тахтли бўлсин.

— Аслида Замирахон бизнинг хонадонимизга келин бўлиб тушгани йўқ. Қизимиз каби қизимиз, — дейди Носир бобо ҳам аёли гапини тасдиқлаб.

—ЖОНКУЯР МУАЛЛИМА

Замира Номозова ўқишни тугатиб қайтгач, уни Хатирчи туманидаги Ибн Сино номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги ҳунар-техника билим юртига ишга таклиф қилишди. У бу ерда талабаларга кимё фанидан сабоқ бошлади. Синф хонасининг пухта жиҳозланганлиги, ёшларнинг ушбу фанга қизиқишини кучайтирди. Дарсларни амалий тажрибалар асосида ташкил этиш ҳам бунда катта аҳамиятга эга бўлди. Қисқаси, у тезда жамоа ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

Унинг шундан кейинги иш фаолияти тумандаги 14-ўрта мактабда давом этди. Мана, шунга ҳам 12 йил бўлибди. Йиллар... Одамни минг бир машаққатларга, муаммою тўсиқларга дуч қилади улар. Лекин, таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкин, тақдир — умр мазмуни ана шу йиллар силсиласига жамланган: умрнинг қандай кечиши эса ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Ҳар ҳолда ҳаёт силлиққина кечмайди. У тинимсиз меҳнат ва курашлардан иборат. Мақсад отлиғ улуғ ният сени доимо олга чорлайди. Замиранинг ҳаёт фалсафаси ана шундай оддий ва замонавий.

Очиғи, Замира Номозова ишни машғулотлар ўтиладиган хонани талабга мос равишда жиҳозлашдан бошлади. Бунинг учун ўқувчилар кўмагида керакли ашёларни тўплади. Топишнинг иложи бўлмаганларни ҳамёнидан пул сарфлаб сотиб олди. Натижада кўп ўтмай кимё-биология хонаси рисоладагидек жиҳозланди.

— Ишларим бирданига юришиб кетгани йўқ, албатта, — дейди жонкуяр муаллима. — М. Ҳамидов, Ш. Ҳосилов, Р. Раҳимов каби устозлар менга ҳар томонлама кўмак беришди. Бугун қандай натижага эришган бўлсам, унда шубҳасиз, ана шу муътабар устозларимнинг муносиб ҳиссалари бор.

Замира Номозова ҳар бир янгиликни ўз вақтида илғай олади ва уни дарҳол ўз иш услубида қўллашга ҳаракат қилади. Бунинг учун у зарур адабиётларни, газета-журналларни мутолаа қилади.

Жонкуяр муаллима, айниқса, иқтидорли ўқувчилар билан ишлашдан асло эринмайди. Улар учун қўшимча дарс соатлари ташкил этади. Бугунги кунда Замиранинг шогирдлари ҳисобланган Д. Ҳосилов, А. Тўраев, Ш. Ғаффорова, Ш. Пардаева, Г. Элбоев, М. Хушвақтованинг олий илмгоҳларда таҳсил олганликларини ҳам шундан деб ҳисоблаш мумкин. Бундан ташқари З. Номозова ўқувчиларни табақалаштирган ҳолда тест синовлари асосида ўқитиш ҳам таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан, деб ҳисоблайди.

УНВОН МУБОРАК!

Матбуот хўб ажойиб-да. Янгиликлардан воқиф бўласан. Фарғона вилоятининг Бувайда туманилик Маҳмуджон Жураевнинг собиқ курсдоши Замирага қутловнома йўллаши ҳам газета туфайли бўлди. Ҳа, тажрибали ва жонкуяр муаллима Республикамиз Президенти фармонига биноан «Узбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» фахрий унвонига сазовор бўлган эди. Маҳмуджон ҳаяжонини босолмай, қутловнома битди. Унда шундай илиқ жумлалар бор: «Замирахон! Сиз талабалик йилларимизда ҳам гуруҳимиз фахри ҳисобланардингиз. Чунки сиз илмга чанқоқлигингиз, изланишингиз билан бошқалардан ажралиб турардингиз. Муҳими, сизда истеъдод булакча эди. Сизнинг юксак унвонни қўлга киритганлигингиз, шубҳасиз, шулар натижасидир. Шу муносабат билан самимий муборакбод этаман. Умрингиз бундан кейин ҳам мазмунли ва мароқли воқеаларга шоҳид бўлаверсин».

Яхши кунингга дўсту биродарларинг, ошна-оғайниларинг шерик бўлса, қандай яхши. Бу қувончли хабар ҳамма жойга тарқалганди. Қутлов ва табрикларнинг кети узилмайди. Шу куни Замира опаларнинг хонадонида чинакам байрам бўлди. Ҳамманинг юзида табассум, қалбида севинч. Демак, Замиранинг умр дафтари яна бир мазмун кашф этди: у йилларга, асрларга татигулик.

Тоҳир АБДИЕВ,
Улуғбек ЖУМАЕВ.

УЧУН «ШОДЛИК»

ўзбек алифбе дарслиги юзасидан қайдлар

сида талқин қилинди. «Шодлик»да оғзаки ва ёзма нутқ бирлигига, болаларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ёндош ўстиришга, нутқ одоби, муомала маданиятини тарбиялашга алоҳида эътибор берилган.

Янги алифбе дарслик мажмуаси тузилиши, мундарижаси, тилининг халқчиллиги, халқ ижоди намуналарига бойлиги, матн ва жиҳозларнинг миллийлиги, баённинг содда ва равонлиги билан ҳам амалдаги «Алифбе» дан кескин фарқланади.

«Шодлик»да ёзув тили воситаларидан қуйидаги уч асосий гуруҳи берилган: а) ҳарфий белгилар (ҳарфлар); б) ишоравий белгилар (тинишлар, ишоралар); в) имловий белгилар (айиргич (ъ), чизиқча (-), ургу (,), турли шакл ва рангдаги курсив битиклар ҳамда бошқалар.

Алифбо сираси (ҳарфий белгилар) қуйидаги 29 шрифтдан иборат: а,о,у,ў,и, э,б,г,ғ,д,ж (жийрон) з,к,л,м,н,н (нг), р,ц,ф,т,ч,ш,х,қ,ҳ. (Булар қонунга кўра, лотин ҳарфлари билан алмаштирилди). Уларнинг ҳар бири муайян ўзбекча миллий товушни ифодалайди, айримлари эса бинар хусусиятга эгадир. Масалан, и ҳарфи иш, киши, олим, билим каби сўзларни тил олди и товушини, биқин, қилич, балиқ каби сўзларда эса тил орқа и товушини билдиради; в ҳарфи овул, овқат, вовулламоқ каби сўзларда билабиал (лаб-лар) в товушини, вагон, виж-виж, мавж каби сўзларда эса лабодентал (лаб-тиш) в товушини билдиради. Шунинг учун бундай ҳарфлар қўшқат ҳарфлар ёки бинар ҳарфлар деб юритилади, булар ўрни билан икки хил қонун-фонемани, яъни қўш товушни билдиради. Алифбо сирасидаги ҳарфларнинг барчаси шаклан байналмилал (жаҳоншумул), мазмунан (руҳан) миллий булиб, узбекча товуш ва товуш сасларини (вариантлари, тусларини) ифодалайди. Аммо тўртта ҳарф (ў,в,қ,ғ,ҳ) ҳам шаклан, ҳам мазмунан соф узбекчадир. Булар ҳозирги ўзбек алифбосининг миллийлик (мустақиллик) улини ташкил этади.

Ҳарфларнинг талаффуз ва имловий жиҳатларини баён қилишда уларнинг нутқ вазиятидаги ўрнига алоҳида диққат қилинган, яъни ҳарфларнинг сўз бошида, ўртасида, охирида келиш, ёнма-ён қўлланиш, жумла қурилмасида ва ниҳоят, хорижий сўзларда ишлатилиш ҳолатлари бирма-бир ўрганилган.

Идоравий белгилар сирасига тиниш белгиларидан 10 таси киритилади: нуқта, вергул, сўроқ, ундов, икки нуқта, кўп нуқта, нуқтали вергул, тире, қавс, қўштирноқ.

Тиниш белгиларини ўзбек миллий имлоси асосчиларидан бири, таниқли тилшунос-педагог Ашурали Зоҳирий ишорат (тинишлар) деб атаган («Имло», 1916 йил). Ана шу тарихий-миллий анъанани давом эттириш мақсадида «тиниш белгилари» ибораси ўрнига ишора атамасини қўллашни маъқул кўрдик. Ишоралар узича алоҳида бир «пунктуацион алифбо» сирасини ташкил этади.

Имловий белгилар товушни ифодаламайдиган, тўғри ёзув қоидалари асосида ишлатиладиган воситаларидир. Масалан, айиргич (айириш белгиси ъ) товушларни бир-биридан ажратиш ва сўз маъносини фарқлаш учун ишлатилиб, бугунги ёзувимизда муштарак вазифани бажаради ҳамда кенг қуламда қўлланилади. Зотан, айиргич ўзбек имлосида араб ёзувидаги айн, ғайн, лотин ёзувидаги апастроф вазифаларини бажара олади.

«Шодлик» алифбеси миллий таъкидлашим керакки, менга билдирилган ишончни оқлаш учун ҳар бир матн, ҳар бир топшириқ, расмларни ўз синфимда, мактабимиздаги ва туманимиздаги 1-синфларда кузатиб, синовдан ўтказишда иштирок этдим. Натижалар мен кутгандан ҳам аъло бўлди. Биринчидан, бу дарслик жуда ихчам, содда тилда ёзилган. Миллий руҳ матнларда ҳам, расмларда ҳам ўз аксини топган. Болаларнинг ижодий тафаккур этиш фаолиятини ўстирувчи топшириқлар тизими, ўйинлар, бош қотиргичлар жуда қизиқарли берилган.

Дарсликнинг 8-саҳифасидаёқ болалар икки товушдан от сўзини ўқишга муваффақ буладилар. Шу давргача бўлган алифбеларда бундай имконият фақат 20—22-бетлардагина бўларди. Биринчи марта болалар томонидан илк сўз ўқилишининг рамзий маъноси ҳам бор. Масалан, от ўзбек халқининг севимли ҳайвони. Қадимдан от бор хонадонлар файзли ва бадавлат ҳисобланган. Президентимиз Ислом Каримовга қозоқ элида тинчлик, биродарлик рамзи сифатида оқ от совға қилингани, бундан кейин мамлакатимизда от боқиш янада ривожланиши каби ишларни, отчиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини нафақат қишлоқ болалари, балки шаҳарларда яшовчи ўғил-қизлар ҳам билишлари кўзда тутилди.

«Шодлик» алифбосига қўшимча ўқиш учун дидактик материал сифатида «Ҳарфлар чамани» ўқув қўлланмасини ишладик. Бу қўлланма болаларнинг ўқиш суръатини ва сифатини ошириш учун мўлжалланган. Мазкур ўқув қўлланмаси иқтидорли болаларга, оилада ота-оналар кўмагида болаларнинг ўқиш кўникмаларининг ривожланишига ҳам ёрдам беради. Қўлланма расмли ва матнлардан иборат бўлиб, топшириқли саҳифалардан ташкил топган. Болаларнинг ақлий тафаккурини ўстириш, саводхонлигини барқарорлаштиришга доир саҳифалар бир-бирини тўлдиради.

Турли мазмундаги бош қотиришларнинг ечимини топишга интилган болалар фикрий доирасининг кенгайишини таъмин этувчи уйинлар мажмуаси жамланган дидактик материаллар болаларнинг ҳар томонлама ривож топишларига имкон яратувчи омилдир.

Ўқувчиларнинг саводхонлигини оширишда оғзаки ва ёзма нутқ узвийлигини таъминлаш ва уларнинг чиройли ёзишларига имконият яратиш мақсадида 1-ёзув дафтари «Шодлик» алифбесига илова қилинди. Бу дафтар «Шодлик» алифбесида берилган тизим асосида яратилиб, унда ўқувчини ёзувга ўргатишнинг амалий йўналиши мавжуддир.

Ўқувчиларда ёзув техникасини эгаллашга қуникма ҳосил этиш ҳамда ёзув санъатини пухта эгаллашга бўлган талаб ёзув намуналари, расмлар орқали нозик таъбда берилдики, ўқувчи бундай хушхатликка тақлид қилади ва чиройли, саводли ёзишга ўрганади.

«Шодлик», ундаги «Ҳарфлар чамани», 1-ёзув дафтарининг дастлабки қулёзма нусхасини синовдан ўтказишда қатнашган ҳамкасбларим, бу бошланғич таълимда қулай ва ҳар томонлама самара берадиган оригинал дарслик-мажмуа эканлигини таъкидламоқдалар. Бундан биз муаллифлар ғоят мамнунмиз. Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини ўрганишда қулайлик туғдирадиган «Шодлик» дарслик-мажмуа ўқитувчига ҳам, ўқувчиларга ҳам савод чиқариш ва ёзишни ўрганишда қувонч ва шодлик бахш этади деб умид қиламиз.

***

Суҳбатдошларим лотин ёзуви асосидаги янги алифбе—«Шодлик» дарслик-мажмуаси муаллифлари таркибига устоз мураббий, Меҳнат Қаҳрамони Оқилхон Шарафиддинов номини биринчи муаллиф сифатида киритганликларини фахр-ифтихор билан таъкидладилар. Улар мазкур усулий мажмуани эса Оқилхон Шарафиддинов таваллудининг 100 йиллигига бағишлаганлар. Бу устозга бўлган ҳурмат, у бошлаган анъаналарга садоқат ифодасидир, албатта.

Суҳбатдош Маҳкам РАҲМОНОВ.

МАКТАБ, ОИЛА, ЖАМОАТЧИЛИК

Тарбия ҳамиша таълим билан узвий боғлиқликда олиб бориладиган жараён. Тарозининг бир палласида таълим, бирида эса уни тўғри йўлга етакловчи тарбия туради. Яқинда Дангара туманидаги 7-ўрта мактабда бўлиб ўтган туман мактаб директорлари тарбиявий ишлар бўйича муовинларининг «Мактаб, оила, жамоатчилик ҳамкорлиги» мавзуидаги семинар-кенгашда шу масала мухокамаси бўлди. Семинар қатнашчилари мактабда ўтилаётган очиқ дарсларда бўлиб, уларнинг қай даражада олиб борилаётганлиги билан қизиқишди. Мактабнинг турли фан ўқитувчилари томонидан ўтказилган «Қишлоғимиз қаҳрамонлари хотираси муқаддасдир», «Она-Ватан», «Ҳунарли киши хор бўлмас», —»Нон ризқ-рузимиз», «Ҳадис — одоб қузгуси» мавзуидаги тарбиявий соат дарслари анжуман қатнашчиларида чуқур таассурот қолдирди.

Иброҳим НИШОНОВ,
ўқитувчи.

Зайниддин ҒАЗЗОЛИЙ

Жоҳ ва ҳашамат тариқалари

ФАСЛ (ОБИДЛИК ДАРАЖАЛАРИ)

Билғилки, халойиқ мақтагонидин шод бўлиб, ёмонлаганидин хафа бўлмоқда тўрт даража бордур.

Аввалги даража оммаи халқдурким, мақтов эшитса шод бўлиб, шукр қилур. Ва мазаммат (танқид) қилғонларни душман тутиб, уч олишка қасд қилур. Бу ҳамма даражаларнинг ёмонроғидур.

Иккинчи даража — порсоларки, мақтов эшитса, шод бўлмас, мазаммат қилғондин аламнок бўлмас, (улар) ҳар икки тоифани баравар тутарлар. Ва лекин ботинларида бирини дўст, бирини душман тутарлар. Аммо, мукофотига (чора кўришга) машғул бўлмаслар. Ва бу даража (аҳли) кўброқдур.

Учинчи — муттақийлар даражасидурким, зоҳир ва ботинларида ҳар иккини (мақтаганларни ва танқид қилганларни) баробар кўрурлар, ситойиш (мақтов)дин шод ва мазаммат (танқид)дин дилгир бўлмаслар. Ва бу улуғ даражадурким, ҳар киши муяссар бўлмас.

Гуруҳи обидлар гумон қилибдурларки, биз бу даражага етибдурмиз, деб. Хато қилибдурлар. Бас, бу даражага етканнинг нишонаси (аломати) ўлдурким, агар мазаммат қилғувчи бир ерда ўлтурса, кунглида мунинг суҳбатини мақтов айтувчилар суҳбатидин оғир бўлмағай. Агар бир ишда ёрий (дўстлик, хайрхоҳлик) талаб қилса, анга ёрий бермакни, сидойиш қилувчиға ёрий бермакдин қийин билмагай. Агар зиёратига камроқ келса, ани кўриш истаги мақтовчини кўриш истагидан кам бўлмагай. Ва агар ўлса анинг андуҳ ва мусибати мақтов айтганнинг ғам ва мусибатидан кам бўлмагай. Бас, обидлардин аксари мазаммат қилғувчини душман тутар ва айтурким, муни душман тутмагим фосиқлиғи жиҳатидан ва ё дини (иймони) сустлиғи жиҳатидан деб қавл (сўз) қилур. Бу айни талбис ва шайтанатдур. Обидким, жоҳилдур, бу дақиқалар (нозикликлар)ни билмагай, тоат ва ибодат қилмоқда тортган ранжини зоил (йўқ) қилур.

Тўртинчи — сиддиқлар даражасики, ўзини мақтовчиларни душман тутур ва мазаммат қилғувчиларни дўст тутурларки, мунингдин уч фойда топибдурлар. Аввалги фойда: ўз айбларидин огоҳ бўлурлар. Иккинчи фойда: мазаммат қилғувчилар ўз яхши амалини бу кишига тухфа қилган бўлур. Учинчи фойда улки: ўз айбларини билиб, айб ва риёдин халосликни талаб қилур.

Агар киши ҳамма умрида жаҳд қилса, ситойиш ва мадҳ қилғувчи бирла мазаммат қилғувчини кунглида баравар тутмоқ мушкулдур.

Тоат ва ибодатни риё (мунофиқлик)дан сақламоқ иложи

Билғилки, Ҳақ-таолоға ибодат қилмоқликда риё — гуноҳи кабира жумласидин ва шакга яқиндурки, ҳеч беморлиқ мундин зиёда эрмас, (бундай киши) ранж, машаққат бирла ибодат қилғай ва лекин муддаоси улки, халқи ани порсо ва обид дегайлар. Дарҳиқиқат, (бундайлар худога эмас), халқға парастиш, ибодат қилган бўлур. Ва агар мақсуди Ҳақ-таолога ибодат қилмоқ бўлса ва у ҳам ўзини халқға обид ва порсо ақида қилдурмак бўлса, Ҳақ-таоло ибодатига ва бировни шерик қилғон бўлур.

Саҳобалардин бири арз қилдики, «Ё, Расулуллоҳ, холислик недур?» Айтдиларким: «Худои-таолоға ибодат қилмоқдадур». Ва яна айтибдурлар: «Қиёмат куни бир тоифа (гуруҳ)ни келтирурлар. Сурарларким: «Нима тоатинг бордур?» Айтурларким: «Худои - таолонинг ризолиғи учун ғазотда жонимни фидо қилдим». Ҳақ- таоло айтур: «Ёлғон айтурсен. Мени (халойиқ) мардона ва баҳодир десун», деб жон фидо қилдинг». Фармон бўлурким, дўзахга ташлардар. Ва яна бир гуруҳни келтирурлар. Сўрарларким: «Ибодатинг нимадур?» Айтур: «Дунёликдин ҳар неки бор эрди, ҳаммасини худо ризолиғи учун садақа қилдим». Ҳақ-таоло айтур: «Ёлғон айтурсан. Халқ фалон киши сахий десун, деб бердинг». Фармон бўлур, ани ҳам дўзахга ташлардар.

(Давоми бор)

Суратни кўриб Ҳайрон бўлаётгандирсиз? Ҳа, Тилаб Маҳмудов билан ғаплашиб турган бу инсон ўзидан кўплаб фильмлар қолдириб кетган машҳур ҳинд санъаткори Раж Капур (тарихий сурат).

ТИЛАБЖОНГА ТИЛАКЛАР

Мустақилликни ҳаёти ва фаолиятининг мазмуни деб билган шахсгина ўз халқи, миллати ва жамияти манфаати учун хизмат қила олади... Бу олий мақсад ҳақида жар солиб, амалда унга қарши бораётганларни қилаётган ишларию яшаш тарзидан бидиб олиш мумкин... Эндиликда биз бирор олим ёки ёзувчи фаолияти ҳақида ўйлар эканмиз, аввало, унинг мана шу йўлдаги интилишларига қараб баҳо берамиз...

Мазкур изоҳнинг сабаби шулки, қизил империя даврида кимки миллатига, унинг туб манфаатларига қарши қанчалик курашган бўлса, уша одамнинг «қадри» шунча кўтарилди. Минг шукрки, у даврлар ўтди.

80-йилларнинг охирларида — қизил империя ўзининг ҳалокатга учраётган сўнгги кунларида ҳам бизга даҳшат солишни заррача камайтирмаган бир ўтиш даврида Тилаб Маҳмудов «Санъат» ойномасига бош муҳаррир бўлиб келди... Келдию биринчи қадамини миллий қадриятларимизни тиклаш учун курашдан бошлади. Уша вақтларда барча табақа вакиллари орасида «энди нима бўларкин» деган сўроқ кўндаланг бўлиб турарди. Қизил империя тагига сув кеттани сезилиб қолди...

Илгари миллий тарих, қадрият ва миллий анъаналар ҳақида сўз очилмас ёки сўз очилса ҳам фақат қоралаб ташлаш расм эди. Шундай вазиятда «Санъат» журналида «Жадидчилик» ҳақида махсус мақола ва Марказий Осиё ҳамда Кавказорти республикаларидан келган бир гуруҳ олимлар суҳбати эълон қилинди. Ҳозир бу гап жуда оддий туюлса керак, аммо уша вақттача жадидчилик ҳақида бу қадар кенг мулоҳаза бирорта матбуотда берилмаганди ... Шу ўринда Фитрат ва жадидчилик ҳақида йирик олим Эрик Каримовгина 70-йилларда бир қадар ижобий фикр билдириб не кунларга қолганини эслатиб ўтиш ўринлидир... Яна бир ҳолатга эътибор қилинг: Тилаб Маҳмудов журъат қилиб, жадидчилик тарихини ўрганиш зарурлигини ўртага ташлаётган вақтда бир газета йирик бир ёзувчи мақоласидаги «қари билганни пари билмайди» мақолини «пари — бу диний ибора, қари билганни ҳеч ким билмайди «қилиб» тузатиб» босганини жамоатчилик ҳамон кулги билан эслаб юради. Ва ҳоказо...

Савол туғилиши мумкин, ҳўш, 60 га тўлган бир шахснинг таваллудини нишонлашга бу тапларнинг нима алоқаси бор? Ҳамма гап шундаки, жуда алоқаси катта. То шу ёшга киргунча ким нима иш қилиб келганлигини жамоатчилик билиб қўйиши шарт: бир ахборот воситасида раҳбар бўлиб ишлаш — ўша ердаги ходимлару матбуотнинг қиёфасини белгилаб келаётганини ҳамма билади. Ташкилотга ходим қабул қилишдан бошлаб қандай мақолалар ва қандай кишиларни қўллаб-қувватлаш — ўша бош муҳаррир ихтиёридалиги ҳам очиқ бир ҳақиқат, буни ҳеч ким инкор этолмайди... Бу гаплар бизни тарихда шахснинг роли ҳақидаги қарашларимизга янгидан назар ташлашга даъват этади... Аммо мавзудан чиқмаслик учун юқоридаги фикр-мулоҳазаларимизни давом эттирамиз. Жадидчилик тарихига оид хилма-хил қарашларни эълон қилишга журъат этган Тилабжоннинг ўзи ҳам четда тургани йўқ. У фалсафанинг эстетик қарашлари соҳасига оид талай илмий ишларни яратганда олимнинг имон-эътиқоди бутун шахс эканлиги янада ёрқинроқ кўринди ... 1972—93 йиллар орасида чоп этилган 20 га яқин китобдан баъзиларини эслатиб ўтишдаёқ олимнинг нималарга эътибор бергани шундай билиниб туради. «Санъаткор таланти ва жамият», «Инсонийлик — эзгулик», «Гўзаллик ва ҳаёт», «Ўзбекистон рангтасвир санъати эстетикаси», «Эстетика ва маънавий қадриятлар»... Яна шу мавзуларда уч юздан ортиқ мақолалар...

Диққат билан қаралса, мазкур асарлар ёзилаётган кезларда ҳали қизил империя тула ҳукмрон, бизнинг миллий тарихимиз, қадриятларимиз, анъаналаримиз очиқчасига оёқости қилинаётган эди... Аммо имон-эътиқоди бутун олимлар, ёзувчилар бошларига тушаётган даҳшатларни сезиб, билиб туриб, қадриятларимизни улуғлаш, ундан юз ўгирмаслик йўлларини излаётган эдилар... Адабиётимизда Ойбек, Шайхзода, адабиётшуносликда Иззат Султон ва уларнинг ҳамфикрлари шундай қилмадиларми?! Тилаб Маҳмудов ҳам энг қалтис йиллардаёқ миллий қадриятлар ва миллий

Қутлаймиз

анъаналаримиз оламидан гўзаллик излашга ҳаётини бағишлади, шу туфайли халқимиз уни ҳамиша ардоқлаб келди, бундан кейин ҳам шундай бўлади... Зеро, инсон ҳаётда ким бўлишидан қатъий назар, олимми, ёзувчими ёки уроқчию кетмончими, имон-эътиқодгина унинг баҳосини белгилайди. Бу виждон иши. Ҳаёт тарзини танлаш ҳам виждон, имон иши. Фитрат ибораси билан айтилса, ҳаётда виждон тарозусидан бошқа аниқ улчов бўлмайди... Бу жиҳатдан ҳам Тилабжон ўз тенгдошлари, ҳамкасабалари жамияти олдида юзи ёруғ, виждони пок, имони бутун, ички бир маданияти юқори, кенг кўламли олим ва шахс бўлиб қолаверади...

Тўй — тўй, юбилей — юбилей, аммо ҳар бир шахс тақдири бутун жамият, ҳатто бутун жаҳон билан боғлиқлигини онгли одамлар яхши билишади... Уша жадидчилик тарихидан бошланган «Санъат» ойномаси, кейинчалик «Гулистон» билан бирлашиб қизил империя даҳшатларида қурбон бўлган, миллий истиқлол деб оламдан бевақт ўтган буёк аждодларимиз ҳақида, адабиётининг 30-йиллардаги чалкаш тарихи ҳақида энг кўп илмий мақолалар эълон қилиб келаётганини алоҳида таъкидлаш зарур... Зотан, бу ҳам имон ва эътиқодга боғлик йўналишлар сирасига киради... Бу савобли ишларда Тилабжонга узоқ умр, эр-хотин қўша қариб, болаларининг роҳатларини кўришларини, пок ният билан бошлаган ишларини муваффақият билан давом эттиришларини тилаймиз.

Аҳмад АЛИЕВ.

Тонгрлар болаларга

ЛОЛАЛАРИМ

Олиб келдим ўйинчоқ,
Жажжигина қўғирчоқ.
Тақиб сирга, кўзмунчоқ,
Ўйнар шўх болаларим —
Қирдаги лолаларим.

Гўё йўқ катта-кичик,
Тиллари ширин-чучук,
Қумсайман алланечук,
Кўрмасам болаларим —
Қирдаги лолаларим.

Ёғоч отни чўҳлаймиз,
Яхшиларни йўқлаймиз.
Кейин бирга ухлаймиз,
Бахтиёр болаларим —
Қирдаги лолаларим.

Ширин-шакар сўзлари,
Меҳр тўла кўзлари.
Ҳаётим ёлдузлари,
Чин инсон болаларим —
Қирдаги лолаларим.

ИККИ МУШУК

Бордир икки мушугим,
Сергак,чаққон,кучлигим.
Иккиси ҳам қоп-қора,
Бири-биридан сара.
Бири сичқон пойлайди,
Бири доим ухлайди.
Бири ерда нон сўйди,
У-чи томда «мов» дейди.
Тушунмайман ишига,
Бунақа қилмишига.
Лекин яхши кўраман,
Нон, овқат, сув бераман.
Бири тутар сичқонни,
Сақлаб қолади донни.

Асрор ҚИЛИЧЕВ,
Қашқадарё вилояти.

* * *

Парта эмас дўмбира,
Елғон гапни дўндирма.
Ҳар куни така-тум-так,
Четда қолмас на челак,
На патнису тоғора,
Сенга мисли ноғора.
Вей, шошқалоқ дўстим Нор,
Сенга битта гапим бор:
Бўлай десанг созанда,
Тўгаракка боргинда.

Масрур РАҲИМЖОНОВ,
Тошкент шаҳри.

АЪЛОЧИЛАР ИЗЗАТДА

Бир кишини «боласан» дея койишса оғринмас, аксинча хурсанд бўлар экан, чунки у, болаликни ниҳоятда қадрловчи одам экан. Бундай одамлар албатта, бизнинг орамизда ҳам кам эмас ва улар ҳақиқий болапарварлардир.

Самарқанд вилояти болалар ва ўсмирлар уюшмасида ҳам ана шундай болаликни, болаларни қадрлайдиган кишилар меҳнат қилишади, десак хато бўлмайди. Уюшма маъмурияти айни пайтда, болаларнинг ёзги таътилини кўнгилли ўтказиш ниятида бир қанча хайрли тадбирлар ўтказмоқда. Хусусан, уюшма томонидан вилоят мактабларида таҳсил олаётган энг аълочи ўқувчилар Оҳалик дам олиш масканига юборилади. Ёш дўстларимиз ушбу гўзал оромгоҳда бепул дам оладилар. Табиат бағрида ўтадиган бу таътил самарқандлик аълочи ўқувчилар учун мароқли кечиши ва уларни янада тиришқоқлик билан ўқишга ундаши, шубҳасиз.

Жўрабек ҲАМИДОВ.
Самарқанд вилояти.

ОЛТИН ЁЗ — ЎТСИН СОЗ!

ТАЪТИЛ ҚАНДАЙ ЎТАДИ?

(Боши 1- бетда).

қошида ўқувчилар оромгоҳлари очилиши керак. Аммо, мана, таътил палласининг бошланганига қарамасдан, унинг молиявий масаласи ҳал этилгани йўқ. Демак, бундан келиб чиқадики, мактаблар қошидаги оромгоҳларнинг қачон иш бошлаши, унга жалб этилиши режалаштирилган 1500 ўқувчининг қачон қабул қилиниши номаълум.

Туман ҳудудида 4 та ширкатлар ва жамоа хўжаликларига, битта вилоят автотрестига қарашли оромгоҳлар мавжуд. Уларда бир ойда 800 нафар ўқувчининг маданий дам олиши мўлжалланган. Биз Жонобод қишлоғидаги Собир Раҳимов номли оромгоҳга 30 май куни бордик. Дам олиш маскани бошлиғи Марҳабохон Баратованинг айтишича, маскан 3 ёки 5 июнь куни очилиши керак экан. Аммо чор атрофни кўздан кечириб, унинг шу ҳолича ишга туширишга яроқсиз эканлигига гувоҳ бўлдик. Мисол учун, бинолар ва ҳовлидаги қурилмалар қўл учида таъмирланган. Ошхона санитария-гигиена талабларидан анча йироқда, идиш-товоқлар етарли эмас. Ётоқхона поллари янгитдан бўялмаган, шифти чакка ўтаверганидан чириб, тешилиб ётибди.

Медицина ходимининг, оромгоҳ етакчисининг хоналари ва кинофильм қўйиш учун мўлжаланган жой умуман жиҳозланмаган, буюмлар тартибсиз аҳволда ётибди. Спорт майдончасидаги қурилмалар ҳам аллақачон ўз умрини ўтаб бўлибди. Унинг майдони ғариб аҳволда, номигагина эпақага келтирилган.

Қирққетмон қишлоғидаги Абдулла Набиев номли оромгоҳда ҳам худди шунга ўхшаш манзарани кўриш мумкин. Бу ерда куз ойлари қишлоқ хўжалиги ёрдамчилари истиқомат қилар эканлар. Шунинг учунми ёки бошқа сабабданми, биноларнинг оҳори кетиб қолибди. Таъмирчилар ҳатто ётоқхона, ошхоналарнинг деразасига ойна солишга ҳам улгуришмабди. Ётоқхонадаги поллар бўялмаган, чириб ётибди. Ошхона «ғўжалоқ» аҳволда, унинг ёнидаги битта хона яроқсиз буюмлар омборига айлантирилган. Оромгоҳ ҳудудида ахлат, шох-шаббалар, қурилиш материаллари қалашиб кетган. Ётоқ учун мўлжалланган битта хона ҳам синиқ каравотлар, таъмирталаб жиҳозлар омборига айлантирилибди.

Бу гаплардан оромгоҳ ходимлари қўл қовуштириб ўтиришибди, деган фикр келиб чиқмаслиги лозим. Ҳолбуки, ҳар иккала дам олиш масканида ҳам таъмирлаш, тозалаш ишлари давом этаяпти. Лекин улар бу масканларни болалар келгунга қадар тап-тайёр ҳолга келтира олишларига ишониш қийин.

Оромгоҳ ўз номи билан чин маънодаги кўнгилли ҳордиқ чиқариш жойига айлантирилиши, у ерда ўғил-қизларнинг таътил кунларидаги бўш вақтларини иложи борича фаол ўтказишлари учун етарли даражада қулайликлар, шарт-шароитлар яратилган бўлиши лозим. Юқорида номи келтирилган ўқувчилар масканида эса на телевизор, на китоб, на шахмат-шашка, на спорт жиҳозлари бор. Бу ерда оромгоҳни ёзги мавсумга тайёрлашга, жиҳозлашга масъул кишилар ўз вазифаларига панжа орасидан қараётганга ўхшайдилар. Акс ҳолда ушбу масканлар аллақачон кишининг кўрса дили яйрайдиган, обод жойга айлантирилган бўлур эди.

Ҳали ҳам кеч эмас. Туман раҳбарлари биз қайд этган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш учун шошилинч чора қўллайдилар, болалар олтин ёзининг соз ўтишини таъминлайдилар, деб умид қиламиз.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти қошида ташкил этилган иқтидорли ўқувчилар педагогика лицейи 1996-1997 ўқув йили учун ўқувчилар қабул қилади

Лицей Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан 9-синфни 1996 йилда битирган иқтидорли ўқувчиларни 10-синфга махсус тестлар ва суҳбат натижалари асосида қабул қилади.

Лицейда дарсларни институтнинг етакчи профессор-ўқитувчилари олиб борадилар. Унда асосий эътибор физика, математика, химия, биология, она тили ва адабиёт, рус тили ва адабиёт, тарих, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанларини чуқур ўргатишга қаратилади.

Ўқишга кирувчиларнинг аризалари 1996 йилнинг 1 июнидан 26 июнигача қабул қилинади. Лицейга кирувчи ўқувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар.

Лицей директори номига:

1. Институт ректори номига ариза.

2. 9-синфни битирганлиги ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси).

3. Туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ва нусхаси.

4. Турар жойидан маълумотнома.

5. 6 та сурат (3х4).

6. Соғлиғи ҳақида маълумотнома (086 формада).

Лицей ўқувчиси сафига чуқур ўрганадиган фанига қараб физика, математика, химия, биология, она тили ва адабиёти, тарих фанларидан ўтказилган суҳбат ва тест натижаларига қараб қабул қилинади (27-29 июнда).

Лицейга кирувчиларнинг ариза ва ҳужжатлари қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳар Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти биноси.

Телефонлар: 55-55-74, 55-55-76.

11-троллейбус, 135-автобусларнинг «Педагогика институти биноси» бекати.

Хулоса...

СОВҒАМИСАН СОВҒА

Бундай совға инъомларни хуш кўргувчи айрим давлат арбобларининг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган бўлса керак. Гап шундаки, Дания қироличаси Маргарит жаноби олияларининг 56 ёшга кириши муносабати билан унга аҳли фуқаро антиқа совға — бутун бошли қасрни ҳадя этишмоқчи. XVII асрда қурилган ушбу муташам бинони яхшилаб таъмир қилишди. Бунга 25 миллион доллар сарфланди.

Қиролича инъомни ҳозир қабул қилиб оладими ёки тўрт йилдан сўнг нишонланадиган 60 йиллик юбилейда оладими, ҳозирча бу номаълум.

ҒАЛАТИ ЖАРИМА

Советларнинг романтик фильмларидан бирида Смольний эшиги олдида турган соқчи Ленинни тўхтатиб, гарчи уни таниган бўлса-да, рухсатнома талаб қилади. Пролетариат доҳийси «қонун-қоида олдида барча баробар», дея соқчининг ишидан хурсанд бўлади, ғўё. Англияда ҳам яқинда шунга ўхшаш бир воқеа содир бўлди.

Шахсий машинасида соатига 150 километр тезликда келаётган полиция бошлиқларидан бирини бевосита унга буйсунувчи ходимлари тўхтатишди. Бошлиқни танишган бўлишса-да, ҳаддан ошиқ тезлик учун 30 фунт-стерлинг жарима солишди.

Юқоридаги хаёлий совет фильмида соқчига шахсан ўртоқ Дзержинский ташаккурнома билдирган бўлса, Англиянинг маҳаллий матбуоти «бизнинг йўлларимизда ҳам шундай виждонли полициячилар бор экан-да», деган изҳори ҳайратларини билдиришяпти.

ИНСОННИНГ ЭНГ ЯҚИН ДУСТИ...

У — итми? Бўлса бордир. Бироқ Мельбурн тиббиёт илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг таъкидлашича, инсоннинг эн яқин дўсти чўчқа экан. Уларнинг аниқлашича, одамзотнинг хаста органлари урнига чўчқанинг юраги, жигари, буйраги, ошқозон ости безларини бемалол алмаштириб қўйиш мумкин бўлармиш. Шу боис, Австралияда соғлом чўчқалар фермалари ташкил этиляпти. Аммо мазкур фермалар жамоатчиликдан қаттиқ сир тутиляпти.

ВЕНЕСУЭЛА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЖАВОБИ

Нега АҚШда давлат тўнтариши бўлмайди? Бу мураккаб саволга кўпчилик жавоб беролмаса керак. Венесуэла Президенти Рафаэль Кальдера эса бразилиялик толиби илмларнинг шундоқ саволига лўнда қилиб жавоб берди: «Чунки у ерда Америка элчихонаси йўқ». Президентнинг айтишича, кейинги йилларда Лотин Америкаси давлатларида содир бўлган тўнтаришларда Марказий Разведка Бошқармаси ҳамда АҚШ элчихоналарининг қўли бор.

ана шунақа гаплар

Тошкент вилояти Паркент туманидаги 35-ўрта мактаб томонидан 1995 йилда Примбетов Асат номига берилган АО-026009 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТошДУ ректорати, жамоат ташкилотлари, факультетлараро Узбекистон тарихи кафедраси жамоаси кафедра катта ўқитувчиси Баҳодир Эшовга онаси ШАРОФАТ ая вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар булими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар:Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Улуғбек ЖУМАЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0261. Тиражи 33029. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6